ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ ЙЎНАЛИШИ**

# «ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ» МОДУЛИ БЎЙИЧА

# Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Тошкент 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**


**Тузувчи:** Х.Х.Абдураманов – и.ф.н., ТДИУ, "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси" кафедраси профессори.

**Тақризчилар:** Г.К.Абдурахмонова – и.ф.д., ТДИУ "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси" кафедраси профессори;

Н.Т.Шоюсупова – и.ф.н., ТДИУ, "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси" кафедраси доценти.



***Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил __________даги ___ -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР ........................................................................................ 4

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.................................................................................10

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ............................................... ..........................16

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.......................................... ...48

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР................................................. 51

VI.КЕЙСЛАР БАНКИ ........................................................................... 52

VII. ГЛОССАРИЙ ................................................................................ 67

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ............................................................ 83

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисдаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Олий

таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” асосий вазифлардан бири қилиб белгиланган.[1]

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида жамиятнинг ижтимоий-иқтсодий ривожланиши замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ижтимоий ривожлантириш ва инсоний тараққиёт мақсади ва моҳиятининг назарий ва амалий асосларига аниқлик киритиш, уларни таҳлил этиш ва кўрсаткич даражаларини баҳолаш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти” модулининг вазифалари:**

- инсон тараққиётига таъсир этувчи омиллар, жамиятнинг иқтисодий муносабатларини ҳаракатга келтирувчи механизмлар олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг инсон тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**“Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

***Тингловчи:***

- аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияларни;
- замонавий инсон тараққиёти билан боғлик атамаларни қўллашни;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

- инсон тараққиётида олий таълим соҳасининг ўрни ва роли билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини ***билиши керак***;

***Тингловчи:***

- ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиётининг ҳозирги замон муаммоларга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш ***кўникмаларига эга бўлиши*** зарур;

***Тингловчи:***

- ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти кўрсаткичлари, ижтимоий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш ***малакаларини эгаллаши*** лозим.

***Тингловчи:***

- модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиётидаги муаммоларни аниқлаш;
- ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиётидаги муаммоларни таҳлил этиш ва баҳолаш;
- оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлаш каби ***компетенцияларга эга бўладилар.***

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

"Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти" курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги "Инсон ресурсларини бошқариш", "Замонавий меҳнат иқтисодиёти", "Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар" ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустақил таълим |
| | | | жами | жумладан | | | |
| | | | | Назарий машғулот | Амалий машғулот | Кўчма машғулот | |
| 1. | Демографик вазият ва унинг инсон тараққиётида тутган ўрни | 6 | 6 | 2 | 4 | - | - |
| 2. | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда унинг инсон тараққиёти мақсадидаги роли ва ўрни | 8 | 6 | 2 | 4 | 2 | - |
| | **Жами:** | **14** | **14** | **4** | **8** | **2** | **-** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Демографик вазият ва унинг инсон тараққиётида тутган ўрни

Демографик сиёсатнинг мақсад ва вазифалари. Демографик сиёсатнинг объекти ва асосий йўналишлари. Демографик сиёсатнинг таркиби. Демографик сиёсатнинг асосий компонентлари. Демографик сиёсат таркиби. Демографик сиёсатни ўтказиш шарт-шароитлари. Демографик сиёсат ўтказиш услублари: иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик. Демографик сиёсат жиҳатлари ва даражалари. Туғилиш ва оила соҳасидаги демографик сиёсат. Туғилишни тартибга солишга қаратилган демографик сиёсатни амалга ошириш усул ва воситалари. Ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги демографик сиёсат йўналишлари. Ўзбекистонда давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсатнинг асосий хусусиятлари.

## 2-мавзу. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда унинг инсон тараққиёти мақсадидаги роли ва ўрни

Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларнинг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёши, жинси, тили, ирқи ва миллати, яшаш жойи, фаолият тури ва характеридан қатъий назар ижтимоий соҳага оид ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш. Ижтимоий-иқтисодий сиёсатга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ижтимоий заиф аҳоли тоифалари манфаатларини ҳисобга олиш. Ижтимоий заиф аҳоли тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш. Иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори ўрнатиш. Жамият ва давлатнинг асосий таянчи сифатида оила институтини қўллаб-қувватлаш, оила қуриш, уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун муносиб шароитларни таъминлаш. Тегишли ижтимоий хизматларни, шу жумладан тиббий хизматларни бепул асосда етказиш. Фуқароларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чоралар ва уларни амалга ошириш механизмлари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни, жумладан хайрия ва ҳомийлик ёрдами кўрсатишни амалга ошираётган жисмоний ва юридик шахсларни, ташкилотларни, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

## 1-мавзу. Демографик вазият ва унинг инсон тараққиётида тутган ўрни

Демографик сиёсатнинг мақсад ва вазифалари. Демографик сиёсатнинг объекти ва асосий йўналишлари. Демографик сиёсатнинг таркиби. Демографик сиёсатнинг асосий компонентлари. Демографик сиёсат таркиби. Демографик сиёсатни ўтказиш шарт-шароитлари. Демографик сиёсат ўтказиш услублари: иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик. Демографик сиёсат жиҳатлари ва даражалари. Туғилиш ва оила соҳасидаги демографик сиёсат. Туғилишни тартибга солишга қаратилган демографик сиёсатни амалга ошириш усул ва воситалари. Ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги демографик сиёсат йўналишлари. Ўзбекистонда давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсатнинг асосий хусусиятлари.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш категориясининг мазмун-моҳияти. Аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий турлари. Аҳоли қисқарган такрор барпо бўлишининг омиллари ва оқибатлари. Аҳолининг оддий такрор барпо бўлиши ва унга хос хусусиятлар. Аҳолининг кенгайган такрор барпо бўлиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари. Аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий кўрсаткичлари. Авлод узунлиги. Демографик ўтиш ва унинг босқичлари. Демографик баланс ва уни тузиш. Аҳоли такрор барпо бўлишининг натижали кўрсаткичлари. Барқарор аҳоли модели. Барқарор аҳоли ва аҳолининг такрор барпо бўлиш тартиби.

## 2-мавзу. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда унинг инсон тараққиёти мақсадидаги роли ва ўрни

Давлат ижтимоий ёрдами тизимининг шаклланиши. Ижтимоий трансферт турлари. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий трансфертларнинг молиявий манбаларини моделлаштириш. Ижтимоий нафақалар ва уларни ҳисоблаш усуллари. Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар. Пенсия таъминотининг тамойиллари ва механизмлари. Пенсия таъминотининг турлари ва уларни ҳисоблаш усуллари. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларини моделлаштириш. Нодавлат пенсия жамғармалари. Имтиёзли пенсия тизими. Жаҳон молиявий инқирозининг пенсия тизимига таъсири. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти хусусиятлари. Пенсия тизимини ислоҳ қилиш йўллари. Ижтимоий хизмат турларининг иқтисодий таҳлили. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни моделлаштириш. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари: тиббий-ижтимоий муассасалар, махсус қурилган уй-жойлар, кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордиқ чиқариш жамоатчилик марказлари. Ижтимоий ходим ва унинг асосий вазифалари. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари фаолияти. Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этиш. Янги ижтимоий технологиялар: тез ижтимоий хизмат; кундузги ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари; ҳаракат воситалари, хизмат кўрсатиш прокат пунктлари. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш йўналишлари. Ижтимоий имтиёзларнинг асосий тамойиллари. Ижтимоий имтиёзларнинг шакллари ва кўринишлари. Ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларни аниқлаш тартиби. Ижтимоий имтиёзларни кафолатлавчи меъёрий-ҳуқуқий база ва уни ислоҳ этиш. Давлат томонидан кафолатланган ижтимоий имтиёзларнинг йўналишлари. Ижтимоий имтиёзларни белгилаш тартиби. Ижтимоий имтиёзларни молиялаштириш манбалари ва институтлари.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

# II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

## Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

## <u>Музокаралар</u>

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши




## Баҳс

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

### Анжуман-баҳсининг роли

**Олиб борувчи –** ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент –** тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини

ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

## «Ақлий ҳужум»

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

## Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар

**График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари**

**Ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнининг таркибий тузилмаси**

**ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ**

- мустақил ўқиш, маъруза тинглаш жараёнида олинадиган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.
- Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш қоидаси билан танишади. Шахсан уни расмийлаштиради.

Ўқиш вақтида олинган маълумот якка тартибда тақсимланади: матнда белги қўйилган мос равишда жадвал устунларига “жойлаштирилади”:

V – “...” ҳақида олинган билим (маълумот)га мос келади;

_ _ “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;

**Кластер**

**(Кластер – тутам, боғлаш)**

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизиқ билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.

**Тоифали жадвал**

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).

- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий хужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Ишнинг натижавий тақдимоти



**Венн диаграммаси**




**SWOT-таҳлил жадвали**

> **SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:
> **Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;
> **Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;
> **Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;
> **Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

**“Кучлар таҳлили” графиги**




**«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси**

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит

берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

## "Кейс-стади" методи

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**"Кейс методи" ни амалга ошириш босқичлари**

| **Иш босқичлари** | **Фаолият шакли ва мазмуни** |
|---|---|
| **1-босқич:** Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш |
| **2-босқич:** Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| **3-босқич:** Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш |
| **4-босқич:** Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | ✓ якка ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;<br>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

**Кейс**

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

## III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

### 1-мавзу. Демографик вазият ва унинг инсон тараққиётида тутган ўрни (2 соат)

1. Демографик сиёсат тушунчаси ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти
2. Демографик сиёсатнинг мақсади ва вазифалари
3. Демографик сиёсат йўналишлари ва тамойиллари
4. Туғилиш соҳасидаги демографик сиёсат чоралари
5. Оила соҳасида демографик сиёсат йўналишлари
6. Ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги демографик сиёсат

### 1. Демографик сиёсат тушунчаси ижтимоий-иктисодий мазмуни ва моҳияти

Инсоният ривожланишининг барча босқичларида аҳоли динамикасини ва уни такрор барпо бўлишини оз бўлсада мақсадга йўналтирилган ҳолда бошқаришга ҳаракат қилинган. Никоҳ-оилавий муносабатларини ва репродуктив ҳолатни (никохдан олдин, никоҳда, никоҳсиз) меъёрий бошқариш тариҳийрок ҳисобланади. Муълумки инсонлар ҳаракатига таъсир этувчи ндивидуал хулқ актлари устидан йўлга қўйилаётган ижтимоий назратнинг асосий мақсади, аҳоли ўсиш ўсиш суръатини ёки хеч бўлмаганда, юқори ўлим шароити юзага келган пайтда уни сонини сақлаб қолиш мақсадида туғилиш даражасини максималлаштиришдир. Жамият миқёсида бутун фанланинг ривожланиши, хусусан тиббий билимларнинг ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини секин аста ривожланиши аҳоли касаланиши ва ўлими устидан ижтимоий назоратни юксалишига имкон яратди. 19-асрда ўлим даражасини етарли даражада пасайиши бир тарафдан, нисбатан ривожланган Европа мамлакатларида туғилишни тез суръатда пасайишига бошқа тарафдан эса – туғилишни чегаралашни мақсадга мувофиқлиги ва аҳоли кўпайиб кетишини олдини олиш ҳақидаги бахс ва мунозараларга олиб келди. Бу нуқтаи назарни асосчиларидан бири инглиз роҳиби, иқтисодичи олим Т.Р.Мальтусдир. Агар биз қуйидагиларни ҳисобга олсакгина бу ўрин етарли даражада асосли бўларди. Яъни, жамиятни ижтимоий ва иқтисодий табақалашуви,аҳолининг кўпгина қисмини ўта қашшоқлиги ва юқори ўлим даражаси ўта муҳим масалаларни юзага келитиради – тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий барчага баробар шароит яратиш, соғлиқни сақлашда санитар, яшаш ва бошқа шароитларни яхшилашга мос ҳолда инвестицияларни кўпайтиришни талаб этувчи хаётни ва соғлиқни сақлаш. 19 асрнинг оҳири – 20 асрнинг бошларини кенг кўламда тиббий ёрдам ва соғлиқни сақлаш давлат дасутри биринчи даврини бошланиши деб хисоблаш мумкин. Худди шу даврга 19 асрнинг охиридаги уруш натижасидаги кўп инсонларни йўқотиш натижасида, Франция ҳамда Германия ва Белгиядаги депопуляция натижасида туғилиш муаммоларига қизиқишни янгиланишини киритишимиз мумкин. Аҳоли йўқотишларини

ўрнини тўлдириш ҳоҳиши туғилишни рағбатлантиришни янги босқичига олиб келди. Бироқ, энди туғилишни оилада тартибга солиш имкониятларини давлат дастури даражасида кенг миқёсда рағбатлантиришга олиб келди. 20 асрларда демографик сиёсат соҳасидаги долзарб йўналишларни ўзаро мутаносиблиги, айрим мамлакатларда ўзгарган ва сезиларли даражада фарқ қилган. Бу ерда умумий қилиб 2 тамойилни олишимиз мумкин: ўзлуксиз тарзда соғлиқни сақлаш ва ўлимни камайтириш дастурига инвестицияларни кўпайтириш; Оилавий сиёсат деб номланувчи, иқтисодий тенгсизликни қисқартириш болалик оилаларни ижтимоий қўллаш фойдасига қаратилган, туғилишни рағбатлантириш анъанасидан аста секин чекиниш.

Ҳозирги пайтда демографик сиёсат деганда ҳозирги момент ҳамда узоқ муддатли истиқбол учун аҳоли такрор барпо бўлиши ва динамикаси соҳасида маълум бир сифат ва миқдорга етишишни назарда тутиш ёрдамида концептуал равишда, бирлашган воситаларни, фикрлар бирлигини давлат миқёсида умумий қабул қилинган тизими тушунилади.

Бундан шу нарса келиб чиқадики, демографик сиёсатни ўтказиш, қатор шартларга риоя қилишни талаб этади. Булардан учтасини бир биридан ажратиш мумкин эмас. Биринчидан, айнан сиёсатни мақсадини тасвирловчи вазифасини, вақтини белгиловчи концепцияни мавжудлигидир; иккинчидан, қабул қилинган концепция доирасида сиёсатни барча тадбирларини молиялаштиришга сарфланиши зарур бўлган ресурслар ва ниҳоят, учинчичи ўтказилаётган сиёсатни асосий стратегик фикрларини қўлловчи, ўзаро мутаносиб фикрлар.

Турли мамлакатларда, алохида вақт интервалидаги аниқ демографик шароит контекстида Туғилишни рағбатлантириш бўйича демографик сиёсат чораларини таҳлили, қандайдир концепция ёки шахсан демографик сиётсат концепцияси мавжуд дейишга изн бермайди. Хатто Францияга нисбатан қўллаганимизда ҳам, демографик ривожланишда навбатдаги қийинчиликларни енгишга кўмаклашиши лозим бўлган, тактик ҳаракатлар хақида гап кетиши мумкин. Шу ўринда, бу одатда қарама қарши ва тартибсиз бўлган чоралар доимо фақат бир мақсадгагина бўйсунади – мамлакат аҳолиси сонини камайишига йўл қўймаслик, яъни, агар мамлакат демографик ривожланиш концепцияси бўлмаса ҳам, хеч бўлмаганда исталган демографик тренд ҳақида тасаввур мавжудлиги ҳақида сўз юритишимиз мумкин.

Урушдан кейинги йилларда Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида демографик сиёсатга ижтимоий сиёсатнинг бир қисми сифатида қараш бошланди. 1970 йилнинг оҳирларида Демографик ривожланишни тартибга солишга бундай ёндошишдаги фикларнинг умумийси бу ижтимоий мослашишдир. Чунки у хозирги холатини, аҳоли иқтисодий ва бошқа умумий фикрларини ҳисобга олувчи, демографик сиёсат шаклининг ҳозирги шароитида қулайдир.

Ушбу концепция Скандинавия, Германия, Голландия ва бошқа мамлакатларида анча таниқлидир. Унинг мақсади шундан иборатки, жамият қисқартирилган аҳоли такрор барпо бўлиши шароитида ўқиши зарур. Яъни, кам самара берадиган туғилишни рағбатлантиришга инвестицияларни

киритмасдан, балки инвестицияни иқтисодиётни ривожланишига, соғлиқни сақлашга, экологияга, нихоят - зарурат туғилган пайтда меҳнат ресурлари танқислигини қоплаши мумкин бўлган мигрантларни жойлаштириш.

Шу нуқтаи назарни биз Финляндия мисоли кўришимиз мумкин. Яъни унда хукумат оилани режалаштиришга ананавий тарзда анча либерал равишда ёндашади, мамлакат келажагидаги нисбатан демографик хавфини айтиб ўтирмасдан, унинг истиқболи сифатида яшаётган авлодлар тенглигини ва максимал ижтимоий тинчликка эришиш масалаларини кўради. Натижада мамлакатда барча оилавий сиёсат шу жумладан – аҳолини ижтимоий ҳимояланмаган қисмини, ногиронлар ва бошқаларга турли хил ёрдам дастурлари амалга оширилади. СССР да ҳам демографик сиёсатни ўтказишга концептуал тарзда ёндошишни шакллантиришга уриниш йўлга қўйила бошланди. Бу савол туғилишни кескин пасайиши сабабли таҳминан 1960 – йилларда олимлар томонидан мухокама этила бошланди. Аммо турли олимларни демография предметини фан сифатида тушуниши “Демографик сиётсат” тушунчасини талқин этишнинг ўзига ҳос хусусиятини киргизди ва кузатиш сифатида унинг мақсад ва вазифаларини ва мумкин бўлган чораларини акс эттирди.

Бу масала бўйича муназаранинг асосий парадокси шундаки, мамлакат демографик ривожланишида асосий муаммо худуд ва унинг кўпгина қисмида туғилишнинг депопуляцион даражаси эканлигини барча мутахассислар тушунишган. Бироқ бунда, хамма мутахассислар демографик сиёсат мажмуавий, яъни демографик жараёнларни барсчасини қамраб олиши керак деган фикрни қўллаб қувватладилар. Нуқтаи назарларнинг фарқи фақатгина у ёки бу олимлар қайси муаммоларни демографик туркумга киритишларидан эди.

## 2. Демографик сиёсатнинг мақсади ва вазифалари

Олимларнинг бир қисми, демографик сиёсатга бевосита таъсир этишнинг объекти туғилиш, ўлим, никоҳ қуриш, ажралиш, миграция, ижтимоий ва профессионал мобилликни жойлаштириш деб фикрлайдилар. Объектни мос ҳолда, демографик сиёсатнинг мақсад ва вазифалари бу қадар кенг тушуниш натижасида “демографик жараёнларда ўзининг обектини бевосита кўриш эмас, балки жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучини ишлаб чиқаришини аниқловчи, инсон меҳнати ва хаёти шароитлари мажмуаси сифатида кўрувчи” аҳоли сиёсатига - юқори даражадаги аҳоли сиёсатини таркибий қисми сифатида қараш таклиф этилган.

Маълумки, “аҳолишунослик сиёсати” тушунчасига кириш, яъни бу бурадаги фикрлар натижаси, ижтимоий иқтисодий сиёсатнинг сезиларли даражадаги қисмини қамраб олиши (агар бутунлай қамраб олмаса, чунки қанча қисмилигини аниқлаш мушкул, ёки бошқачасига, аҳолига таъсир этмаса) демографик жараёнларни тартибга солишни утилитар мақсадига бир қанча маънавийлик бериши лозим. Бироқ у демографик сиёсатни ўтказишда, яъни давлат бошқарувида амалий фойдаланиш нуқтаи назаридан каммахсул ҳисобланади.

Бутунлай шунга ўхшаган демографик ва ижтимоий сиёсатга бошқа икки аниқлик мисол бўла олади. “Ривожланган социалислик жамият учун аҳолини ўсиши – мақсаднинг ўзи эмас. Социализмда жамият ишлаб чиқаришининг асосий мақсади, инонларни моддий-маънавий эҳтиёжларини етарли даражада қондириш ҳисобланади. Шунга мос ҳолда ижтимоий сиёсат шаклида иштирок этувчи демографик сиёсат, доимо инсонларни соғлиғини сақлашга, она ва болани ҳар тарафлама кенг қамровли парваришлаш қаратилган. Бирин кетин меҳнаткашларни фаровонлигини таъминлашга қаратилган давлат ижтимоий сиёсатини юзага келиши таъсирида демографик хулқда демографик билишда алмашинишлар ҳам шаклланган.”

Унинг моҳияти шундаки жамият хаёт фаолиятини бошқаришнинг исталган соҳасидаги ҳар қандай ижтимоий сиёсат демографик жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ, лекин икки тушунчани: ижтимоий ва демографик сиёсатни аралашишига асос бўла олмайди. Бунга давлат томонидан ўтказиладиган ҳар хил турдаги ижтимоий тадбирлар, демографик сиёсат тадбирларини эса фақат, қачонки уларни ўтказишдан мақсад демографик жараёнларга жамиятни тўғридан тўғри таъсирига бўгандагина киради.

Худди ана шундан демографик ривожланиш тренди бутун жамият қизиқишларига ҳам мос келади. Шу боис, жаҳон тажрибасида қабул қилингани каби, демографик сиёсатга ижтимоий сиёсатнинг қисми сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Демографик сиёсатнинг мақсади, келажакда ижтимоий сиёсат мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлган, нисбатан юқори аҳамиятга эгадир. Шунингдек, уларни қўллаш тўғридан тўғри жамиятни мақсадга эришиш бўйича аниқ ва сезиларли ҳаракатга (сиёсий, моддий) қаратишга қодирлиги ва тайёрлигига боғлиқдир. Ўз навбатида демографик хулқ меъёрлари, туғилиш ҳамда ўлим тамойиллари доимо ижтимоий сиёсатни мақсади ва истиқболларини белгиловчи, аҳоли хаёт фаолиятини ижтимоий иқтисодий шароитлари таъсири остида бўлади. Айтиб ўтилганлардан шу нарса келиб келиб чиқадики: демографик сиёсат тадбирлари учун инветициялар хажми кўп жиҳатдан давлатнинг ижтимоий сиёсати доирасидаги мақсадлари ҳамда демографик мақсадлар аҳамияти даражасига боғлиқдир. Иккинчи ўта муҳим бўлган демографик сиёсат ўтказиш учун моддий харажатлар хажми детерминанти бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасидир. туғилишни рағбатлантириш ва ўлимни камайтиришга сарфланувчи маблағларни тақсимлаш, узоқ муддатли ва қисқа муддатли истиқбол учун аниқланади.

Яқин келажак нуктаи назаридан тибиёт ва соғлиқни сақлашга сарфлаш кўпроқ фойдалироқдир. Чунки, улар мақсадига кўра универсал характерга эга бўлиб, аҳоли томонидан озми кўпми тенг даражада ижобий қабул қилинади ва етарли даражада тез ижобий самара бериши мумкин. Бунга урушдан олдинги йилларда СССРда аҳоли хаёт давомийлигини кескин ўзгаришига, патологик тузилмасини ўзгаришига, эпидемияларни камайишига олиб келган соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича дастурларни мисол бўла олади.

Аксинча, аҳолини узоқ муддатга ривожланиши манфаатлари ва депопуляцияни бартараф этиш, шунингдек унинг оқибатлари (асосан, қаришнинг жадаллашиши), туғилишни рағбатлантириш, оилани, уни моддий холатини ва жамиятдаги мавқеини мустахкамлаш чора-тадбирлари катта қўйилмаларни талаб этади. Бу чора тадбирлар тўғридан тўғри, тезда ўз самарасини бермайди, чунки, оммавий тарзда эмас, балки у индивидуал тарзда билишни, кетма-кетликда қабул қилишни талаб этади. Бу йўналишдаги сиёсат, репродуктив хулқ меъёрлари оилада 2-3 та фарзанд бўлиши назарда тутгани боис, демографик авлодлар узунлиги ўлчовчи, узоқ муддатли истиқболга қаратилган бўлиши лозим.

Туғилиш трендига нисбатан стратегик хулқларни танлашдаги ёндошувлар ҳар хиллиги айрим мамлакатларда маблағларни тақсимлаш бўйича турли тадбирларда намоён бўлади. Маблағларни тақсимлашдаги фарқ кўпроқ икки мамлакатда мавжуд: яқин вақтгача давлат пронатализми позициясида турган Францияда ва туғилишни рағбатлантириш бўйича расмий давлат сиёсати мавжуд бўлмаган Германияда. Иккала мамлакат оилани моддий жиҳатдан қўллаб қувватлашга ЯИМни тахминан 12-13 фоизини ажратади, Франция эса тўғридан тўғри туғлишни рағбатлантиришга, яъни оилани қўллашга маьлағни 1/5 сарфлайди. Германия худди шу мақсадларга инвестицияни 3% дан камроғини сарфлайди. Энг катта маблағни бўлса юқорида айтиб ўтилган ижтимоий мослашиш концепциясида тузилган мақсадларга сарфланади. Инвестицилаштириш стратегиясинининг бундай дифференциациясида мамлакатларнинг ижтимоий ва демографик сиёсат мақсадлари нисбатан номутаносиб расмий позицияси намоён бўлади.

Репродуктив меъёрларни ва матримониал хулқнинг устун келиши бир тарафдан, бир неча ўн йиллар мобайнида сингиб кетган ўлимнинг салбий тенденцияси, яъни соғлиқни сақлашни орқада қолиши, бошқа тарафдан, яқин келажакда бўлиши мумкин бўлган ижобий натижаларга етарли даражада қаттиқ чегара қўяди. Бунга куч сифатида демографик сиёсатга мақчадли ёндошишни аниқлашда объектив тарзда белгиланган (демографик ва ижтимоий-иқтисодий) чегарада барча гипотетик курилмани киритиш лозим, чунки унинг эластиклиги унчалик юқори эмас. Бошқа тарафдан, ўзимиз истаган демографик келажак ҳақида тасаввурларни, қўйилган демографик мақсадларга сарфланиши мумкин бўлган, реал моддий ресурслар ва инвестициялар билан доим солиштириш фойдадан холи бўлмайди. Табиийки, айрим шароитда давлат айрим масалаларга дуч келади: ё мавжуд демографик ресурлардан келиб чиққан холда, кучни яшаётган авлодлар турмуш даражасини оширишга қаратиб, ўзининг айрим эҳтиёжларини кўриб чиқиш ёки мамлакатнинг демографик ва меҳнат салоҳиятини кўтариш мақсадида демографик сиёсатга кўпроқ инвестицияларни жалб этиш.

### 3. Демографик сиёсат йўналишлари ва тамойиллари

Демографик сиёсат тадбирларини адекват равишда қабул қилиниши учун оммани тайёрлаш, биринчи навбатда туғилиш соҳасида

самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан бири деб ҳисоблаш адолатлидир.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг инқирози, аҳоли ўсиш суръатларини етарли даражада эмаслигини, индивидуал тарзда худди бутун аҳоли даражасида баҳолаб бўлмайди. Жорий демографик тренд ривожланишини ва уни оқибатларини ижтимоий иқтисодий мақсадларини универсал баҳолаш – бу давлат институтлари вазифасидир. Ҳар хил турдаги ташвиқот тадбирлари давлат ва аҳоли орасида коммуникация воситаси бўлиб хизмат қилади.

Демографик сиёсат тадбирларини ижобий қабул қилиш фойдасига жамият фикрини буришга ёрқин мисол бу 19-20 асрлардаги Франция тажрибасидир. Хусусан ўша даврлардаги пропоганда гурухлари "депопуляция" термини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ушбу феномен олимлар орасида кўпгина бахс ва мунозаралар предмети бўлиб қолди. 1896 йилда аҳилини ўсишини қўллаш учун Миллий уюшма ташкил этилганди. 1921 йилда кўпгина катта оилалар уюшмалари федерациялари юзага келди. Ун дан бир йил аввал туғилиш муаммолари бўйича олий совет ташкил этилди. 1939 йилда эса хозиргача оила ҳақидаги қонунчилик асосида бўлган, оила кодексини ишлаб чиқган аҳоли муаммолари бўйича Олий қўмита ташкил этилди. Урушдан кейинги даврларда Францияда демографик сиёсатни ривожланиши шу мамлакатнин таниқли сиёсатчилардан бири – Генерал де Голля номи билан боғлиқдир. 1945 йилда унинг иштирокида ташкил топган аҳоли ва оила муаммолари бўйича Олий маслаҳат қўмитаси бевосита унинг раҳбарлиги остида фаолият олиб бориб, ушбу ташкилотнинг мавқеини кўтаргани каби, худди шунингдек таклиф этилган чоралар ва дастурлар мавқеини юқори даражага кўтарди.

Франция кетидан Белгия ва Дания, 1930 йилда эса Швеция ушбу йўлга қадам қўйди.

Францияда туғилишнинг тартибга солишнинг етарлича қаттиқ сиёсати 1970 йиллар ўрталарига қадар истисно тариқасида бошидан пронотализм атрофида тузилган ва миллий минтелитет ва ананаларнинг қисми бўлиб қолган, ижтимоий шароит туфайли белгиланган кўринишда сақлаб қолди дейишга етарлича асос бор.

Бунга қарама-қарши Германияни мисол қилишмиз мумкин, у ерда миллатни йўқотиш бир вақтнинг ўзида демографик соҳада ҳам кўпгина фикрларни йўқотиш тимсоли бўлди. Демография фан сифатида бутунглай дискредитланган, "демографик сиётсат" термини бўлса тақиқланган эди. Фақатгина 1970 йил ўрталарига келиб бу мавзу сиёсий партиялар мухокамаси предмети бўлиб қолди. 1980 йилларда депопуляция билан курашиш истагани ва аҳоли ўсишини хеч бўлмаганда 0 дарадасига эришиш учун демографик сиёсат чораларини ишлаб чиқиш заруратини асословчи доклад тайёрланди.

Бироқ Парламентдаги доклад мухокамаси қуйидаги формулани қабул қилишга олиб келди: оилавий сиёсат - ха, демографик сиёсат – йўқ. Туғилиш ва аҳоли ўсишида сиёсатнинг асоси мавжуд бўлган трендларга мослашиш ва оилавий сиёсатни "ижобий самараси"га умид қилиш бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ушбу ҳолатда бутун авлоднинг қириб кетиши мумкин бўлишига қарамай, туғилишни рағбатлантириш чораларини қатъий рад этиш анъаналарини мустахкамлашиб, шаклланиб бориши кузатилди.

Демографик сиёсатнинг исталган стратегияси доирасида давлат ўзининг ижтимоий жараёнларни бошқариш хуқуқини амалга оширади. Шу билан бир вақтда, давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат иши мақсад ва вазифалари оқимида бораётган аҳоли қисмининг ҳаражатларини қоплаш ҳам давлат зиммасида бўлади. Бундай сиёсат турли ижтимоий деографик гуруҳлар, худудий ва этник жамоаларнинг ҳаётй қизиқишлари ва қадриятларига мос равишда максимал дифференциаллашган бўлиши лозим. Шундагина демографик дастурнинг у ёки бу аспектига қизиқувчиларнинг доираси камайиб, дастурларни амалга ошириш харажатлари самарадорлиги ошиши мумкин.

Шу билан бир вақтда, кўпгина мамлакатларнинг сиёсатчилари (сиёсатшунослар) туғилиш даражасини пасайиши билан боғлиқ бўлган демографик ривожланишнинг салбий тенденцияларига қарамай, демографик сиёстани олиб боришда тўғри чизиқли қарорларни қабул қилиш, яъни конкрет тор доирадаги демографик мақсадларни илгари суришни ҳоҳлайдилар. Кўпроқ ижтимоий ривожланиш глобал дастурларининг демографик ёки анъанавий интеграция сиёсатига аҳамият берилади. Демографик дастурларга нисбатан бундай эхтиёткорона муносабаталарни шакллантирувчи асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

- онг ва хулқнинг индивидуаллашуви давлатнинг бу йўналидаги ҳар қандай ҳаракатларини оммалаштирмайди.
- демографик инвестициялар тез ва мухим позитив натижаларга эришиш имконини бермасилиги сабабли давлат арбоблариннг сиёсий имиджини оширмайди.
- демографик дастурлар ҳаражатларни талаб этади. Масалан, бир марта эришилган туғилиш ва ўлим даражасини бир маромда ушлаб туриш учун кетадиган ҳаражатлар вақт ўтиши билан расмий равишда оширилиб бориши лозим. Бунинг ҳисобига демографик дастурлар умуман жамиятга фойда келтирмайдигандек бўлиб кўринади. Бундан ташқари аҳоли таклиф қилинган ва амалга оширилаётган чора тадбирларга тезда мослашиб кейитнчалик уларга эътибор қилмай қўяди.

## 4. Туғилиш соҳасидаги демографик сиёсат чоралари

Бугунги кунга келиб дунёда ахолини ўсиб бориш муаммолариан ташвишга тушиб, туғилиш даражасини тартибга солишга харакат қилмаётган деярли бирорта ҳам давлат қолмади. Туғилишни тартибга солишга уринаётган барча давлатлар ушбу соҳада диаметрал қарама қарши мақсадлари ва қизиқишлари билан фарқланувчи 2 гуруҳга бўлинади 1 гуруҳга кирувчи мамлакатларда демографик ўтиш ҳали тугалланмаган ва туғилиш даражаси нисбатан юқори бўлиб уларни асосан аҳолини ўсиш суратларини пасайтириш ва шу йўл билан мамлакат иқтисоди ва ресурсларига бўлган демографик босимни пасайтириш масалалари ташвишга

солади. Ушбу масалада энг актив позицияни аҳолиси сони жихатидан энг катта хисобланган Хитой ва Хиндистон мамлакатлари эгаллайди. Бу мамлакатлар турли хил, жумладан регрессив, чора тадбирларни амалга ошириш йўли билан ахолини кескин ўсишини тўхтитишга уринадилар. 2 - гуруҳга эса индустрияси юқори ривожланган, бироқ туғилиш эас хатто авлодлар алмашинувини ҳам таъминлаб беролмайдиган ва кўпинча депопуляцияга олиб келадиган даражада паст бўлган мамлакатлар киради. Бу мамлакатларнинг барчаси, жумладан Россия ҳам депопуляция муаммосини келиб чиқиш вақти, унинг давомилиги, тарихий (иқтисодий, сиёсий ва бошқа) сабабларига кўра бири биридан тубдан фарқ қилади. Бунинг хисобига бу мамлакатларда қатор муҳим масалалар бўйича яққол дифференциация намоён бўлади. Туғилиш даражаси ва типи ўхшаш бўлган мамлакатларда деморафик сиёсатни ўтказиш ёки аксинча уни рад этиш хақида қарор қабул қмилинишини сабаблари орасидан қуйидагиларни ажратиш мумкин: туғилишни хақиқий даражаси, унинг тенденсиялари ва ахоли сони динамикасини бахолаш, улкан катаклизмалар (1-навбатда урушалр) натижасида ахоли орасидаги ёқотишлар, стратегик (иқтисодий, геополетик , сиёсий - маънавий) режадаги муаммоларни ечиш зарурияти. Бу сабабларнинг бирлашиши баъзи мамлакатларда зиддиятлидир. Шу манода туғилиш сохасида демографик сиёсат олиб бориш заруриятини очиқдан очиқ рад қилувчи 2 та мамлакат – АҚШ ва Буюк Британия алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу мамлакатлардаги туғилиш даражави, хатто аҳолининг такрор барпо этилишини ҳам таъминлай олмаслигига қарамай, ҳар иккала мамлакат ҳам ўзларидаги туғилиш даражасини ички ва ташқи қарашлар ва эхтиёжларни қонунийлаштириш учун етарли деб хисоблашади. Иккала мамлакатларда ҳам, фарзандларнинг туғилиши, оила ва инсоннинг шахсий иши, аҳолининг ўсиши эса давлатга на иқтисодий, на экологик ва на ижтимоий фойда келтирмайди деган фикр илгари сурилади. АҚШ ва Буюк Британиядан ташқари Италия, Ирландия ва бир неча бошқа мамлакатлар туғилиш даражасига таъсир этувчи чораларни ишлаб чиқиш борасида ўртача позицияни эгаллаб туришади. Бу мамлакатлар фарзандлар туғилишини тартибга солишни маънавий ва этик нормаларга мос келмайди деб ҳисоблайдилар ва бу масалада катта масштабда хеч қандай сиёсат олиб борилмайди. БУ мамлакатларнинг хукумати ҳамда жамоатчиликнинг никоҳ – оила муносабатлари, шунингдек аборт ва контрацепция масаларида консерватив фикр билдиришади.

Худуди, аҳолисининг сони, иқтисодий ривожланиш даражаси, ва бошқа белгилари жиҳатидан ҳислма хил бўлган бу мамлакатларни иккита ҳолат бирлаштиради.

Биринчидан бу мамлакатлардан бирортаси ҳам 20 аср давомида (Россия, Франция, Германия каби) улкан инсоний йўқотишларни бошдан кечирмаган. Иккинчидан, бу мамлакатларда демографик ўсиш зурурати билан бевосита боғлиқ бўлган стратегик (биринчи навбатда геополитик ва иқтисодий) қарашлар мавжуд эмас.

Франция, Белгия Германия мамлакатларида эса 20 асрдан бошлаб демографик сиёсатга бутунлай ўзгача қарашлар мавжуд эди. Бу мамлакатлар 19 асрнинг оҳиридан 20 асрнинг бошига қадар содир бўлган кетма-кет урушлар оқибатида каттагина йўқотишларни бошдан кечирдилар, иқтисодий мувозанат бузилди ва уни тиклаш авж олиб бораётган депопуляция шароитида жуда мушкул эди. Шу билан бирга бу мамлакатлар Европадаги геополитик тенгликни сақлаш заруриятига суянган ҳолда ўзининг демографик потенциалини қайта тиклашига ҳаракат қилдилар. Аслида Францияда 1870 йилдан 1910 йилгача бўлган бутун давр мобайнида пронаталистик кайфият хукс суради.

## 5. Оила соҳасида демографик сиёсат йўналишлари

Турли мамлакатларда фарзандли оилаларга ёрдам чораларини таҳлил қилиш, уларни 4 гуруҳга ажратиш имконини беради:

1. Қонуний чоралар
2. Фарзандли оилаллардаги моддий қийинчиликларни камайтиришга ва талаб қилинаётган репродуктив хулқ эвазига шаклланган мукофотларни тақдим этишга қаратилган иқтисодий чоралар
3. Аёллар бандлиги ва оналикни уйғунлигига халақит берувчи қарама-қаршиликларни енгишга қаратилган хуқуқий ва иқтисодий чора тадбирлар.
4. Олиб борилаётган сиёсат ува унинг мақсадларига жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган маънавий руҳий таъсир чоралари.

**Қонуний чора тадбирлар**. Туғилишни тартибга солишнинг хуқуқий соҳасига қуйидаги масалалар киради:

- никоҳга киришнинг минимал ёшини белгилашдаги никоҳ оилавий хуқуқ, ажралиш хуқуқи, никоҳда ва никоҳ бекор қилингандан сўнг туғилган фарзандлар учун ота оналарнинг масъулиги.
- аборт контрацепция ва стерилизацияни амалга ошириш хуқуқини қонуний тартибга солиш.

Қонуний чора тадбирларни мамлакатлар аро солиштириш жуда қийин, сабаби маълум хуқуқий далолатнома, никоҳ оила кодекси ва ўунга ўхшаш хужжатларни қабул қилиш ёки бекор қилиниши аксарият мамлакатдаги тарихий анъаналар, диний қарашлар, миллий менталитет шунингдек, ўтмишдаги демографик сиёсат тажрибалари натижаларини таҳлиллари асосида амалга оширилади.

Никоҳ оила қонунқилиги ва никоҳдаги хулқ типини тартибга солиш масаласида Россия юқорида қайд этилган мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Гап шундаги бу мамлакатларнинг барчасида никохнинг европа типи (яъни, кеч никоҳга кириш, никоҳсизлик даражасининг юқорилиги, никоҳдан аввал норасмий биргаликда яшашнинг кенг тарқалганлиги кўпчилик фарзандларнинг расмий никоҳдан ташқарида туғилиши) устун туради. Бунда расмий никоҳга кириш ёши айниқса ҳозирги шароитда ҳақиқий никоҳга кириш ёшига деярли таъсир қилмайди.

Россияда биринчи нокоҳга киришнинг ўртача ёши европа стандартларига кўра паст (аёллар ва эркаклар учун 20-22 ёшгача) ва вояга етгандан сўнг

дархол тоузилган никоҳлар сонининг кўплиги ҳолатида никоҳга кириш минимал ёшининг ўзгариши, репродуктив натижажаларнинг тақдирига ўз таъсирини ўтказади.

Кўпчилик чет мамлакатларда никоҳ оила муносабатларини тартибга солиш хеч қачон черков таъсири остидан четга чиқмаган. Россияда эса аксинча октябр инқилобидан кейин дархол оилавий хуқуқларнинг тартибга солувчи дикретлар тузила бошлади. Шундан сўнг никоҳ, оила хуқуқи бир неча бор ҳам либерализация томонга, ҳам ажралишни кескин чегаралаш томонига ўзгарди. Совет хукуматининг ушбу масаладаги олиб борган дастлабки қадамлари маънавий сиёсий доирадан ташқарига чиқмай демографик жараёнларни тартибга солиш мақсадидан йироқ эди. 1949-50 йилларга келиб эса, аксинча, қонунчилик, расмий никоҳдан ташқаридаги муносабатларни чегаралашга йўналтирилган бўлиб, аҳолининг орасида эркаклар дефицити кузатилган шароитда кўп хотинлиликни олдини олиш ва оилани мустахкамлашга хизмат қилиши лозим эди. 1960 йилларнинг охирида қонунга киритилган ўзгаришлар, хуқуқ нормалари билан шу даврда хосил бўлган матримониал хулқ нормалари ўртасидаги зиддиятни ҳал этиш имконини берди. Бошқача қилиб айтганда, ажралишни либераллаштириш, давлат томонидан тузилган бошқарув акти эмас, балки фақатгина, юзага келган ҳолатни тан олиш эди.

Абортлар, контрацепция, астерилизация масаласидаги қонунчилик барча мамлакатларда ўзига ҳос хусусиятга эга бўлиб, тарихий жихатдан оила ва шахснинг бу масалада мустақил қарор қабул қилишини таъқиқлашдан тортиб то тўла хажмли толерантликкача ривожланган. Ҳоизирги кунда бор йўғи саноқли мамлакатларгина (Ирландия, Португалия, Мальта) абортларнинг легализациясига қарши кескин позицияни эгаллаб турибди. Ўз навбатида қонунни кучайтиришга қаратилган ҳар қандай уринишлар жамоатчилик фикрининг қатъий қаршилига дучор бўлмоқда.

Абортлар ҳақидаги қонунқилик тарихи 1810 йилдан, яъни Францияда Напалеон кодекси қабул қилинган даврдан бошланади. Чамаси, абортлар амалиёти бундан анча илгари қўлланилию келган бироқ айнан шу даврга келиб давлат сиёсатининг предмети тарзида шаклланди. Аборт қотиллика тенглаштирилиб унинг иштирокчилари кучли жазоланган бу хуқуқий нормалар Францияда 1975 йилга қадар сақланиб келган ва бутун ўтган давр мобайнида нафақат улкан жарималар балки қамоқ жазоси ҳам тайинланган. Кўпчилик мутахассислар фикрига кўра бундай чора тадбирлар қўйилган мақсадга, яъни туғилиш даражасини оширишга хизмат қилмасдан криминал абортлар сонини ошишига олиб келади. Аборт масаласидаги қонунчиликнинг оммавий либералаштириш 1960 йиллардан бошланиб, 12970 йилларнинг ўрталарида абортни бутунлай таъқиқлаган мамлакатлар деярли қолмади.

**Иқтисодий чора тадбирлар**. Демографик сиёсатнинг ушбу гуруҳ чоралари жуда хилма хилдир. Уларда фарздандли оилалларга нафақа ажратишдан ташқари, фарзандлари бор ёки фарзанда кўрган оилаларга (оталар, оналарга) турли ҳил имтиёзлар беришни назарда тутади. Шу ўринда

оилаларга ажратилган нафақа учун сарфланадиган маблағларга нисбатан, фарзандли оилалардаги моддий дискриминациянеи бартараф этишга қаратилган, ижтимоий сиёсат соҳасига тегишли имтиёзларни беришга кўпроқ маблағ сарфланади. Шу усул билан инвестициялар устидан максимал давлат назорати ўрнатилади.

Туғилишни иқтисодий рағбатлантиришнинг турли мамлакатлардаги тажрибаси асосида энг кенг тарқалган йўналишлар қуйидагилардир:

1. Фарзандли оилаларга нафақа.

- ойма ой бериладиган нафақа ёки оиладаги фарзандларнинг сони, туғулиш кетмакетлиги, оиланинг умумий даромади ва бошқаларга қараб келгиланадиган нафақа;
- фарзанд туғилиши муносабати билан 1 маротаба бериладиган нафақа;
- ҳомиладорлик ва туғруқда қисман ёки тўлиқ ҳақ тўланадиган таътил;
- ҳомиладор аёллар, туққан айллар ҳамда янги туғилган чақалоқлар саломатлигини тиклашга қаратилган чора тадбирлар.

2. Ишловчи оналар ва оталар учун солиқ имтиёзлари, уй жоё учун кредит ва сусбсидиялар.

Ойма ой тўланадиган ёки оилага белгилананадиган нафақа. Ушбу нафақа тури энг кенг тарқалган бўлиб, турли мамлакатларда, нафақа белгилаш схемалари турличадир. Масалан, Австрия ва Данияда нафақа барча фарзандли оилаларга оиланинг даромадидан қатъий наўар тайинланади Франция ва Германияда нафақанинг миқдори оиланинг даромади ва фарзандлар сонига боғлиқ. Буюк Британияда оиладаги фарзандлар сонидан қатъий назар фақатгина кам даромадли оилалар нафақа олиш хуқуқига эга. Италия ва бошқа бир қанча мамлакатларда оила даромадининг юқори чегараси белгиланган бўлиб шу миқдордан ортиқ даромад олувчи оилларга хеч қандай нафақа берилмайди.

Ойма ой тўланадиган нафақанинг суммар катталигин , одатда оиладаги фарзандлар сонининг ошиши билан ортиб боради, сабаби кўпчилик мамлакатларда сиёсатнинг ушбу йўналиши оилада фарзандар туғилиши, уларни тарбиялаш ва маълумот бериш бўйича ҳаражатларни иаксимал даражада компенсациялаш давлатнинг бурчи эканлигини назарда тутади.

Нафақа олишнинг чегара ёши турли мамлакатларда 16-18 ёшгача белгиланган.кўпгина мкамлакатларда нафақа ёшини катталашиши боланинг маълумот олиши билан боғлиқ (Германия, Нидерландияда 27 ёшгача). Энг катта оилавий нафақалар Бельгияда белгиланган (ўртача ойлик маошнинг 70Фоизигача). Бироқ бунда кўпроқ оиладаги фарзандлар сон6и эмас, оиланинг моддий таъминланганлик даражаси ҳисобга олинади. Оиланинг нафақаларини молиялаштириш ҳар доим ҳам бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмайди. Масалан Австриядан оилавий нафақалар марказлаштирилган ҳолда ягона компенсацион фонд ҳисобидан тўланади. Фонддаги маблағларинининг манбаи қуйидагилар:

1. Тадбиркорлар тўловлари
2. Марказий ва махаллий хукумкат органлари бюджетидан ажратмалари.
3. Худудлардаги аҳолининг сонига пропорционал равишдаги тўловлар.

Белгияда нафақалар миллий ижтимоий ҳимоя бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фондлари тадбиркорлардан тушган тўловлар асосида шаклланади. Итлаия Люксембургда оилавий нафақалар ижтимоий суғурта фонлари ҳисобига молиялаштирилади.

Фарзанд туғилиши муносабати билан 1 маротаба бериладиган нафақа. Нафақанинг бу тури ойма ой бериладиган нафақаларга нисбатан камроқ тарқалган. Бу билан кўпчилик давлатлар ўзларининг оиладаги репродуктив хулққа нисбатан асосли позицияларини намоён қиладилар. Бу билан кўпигна давлатлар ушбу чоранинг проноталистик самарасизлигини рад қилишларини эмас, балки оиланинг демографик хулқ муносабатлари позициясини онгли равишдалигини кўрсатади.

Бу позиция оила ва шахснинг репродуктив кулон моделини эришиш концепсиясига асослариб айни вақтда ота оналик (оналик, оталик ) ни уз ичига олади. Онгли равишда ота она булиш деганда, эр ва хотин ва фарзанд тузими хакида карор қабул қилишда бола дунега келган вақитда уни минемал заруриятларини қондириш учун барча тайёргарликни ўз зиммаларига олишликлари лоимлиги назарда тутилади.

Шундай қилиб, бўлғуси фарзанд хусусида давлатнинг олиб борадиган сиёсати 2 қисимдан иборат бўлади. 1 томондан хомиладорлик ва туғурукни соғлом кечиши учун барча шароитларни яратса (хомиладорлар ни текшириш, тўғруқга, туғуруқдан кейинги таътил, хомиладорларни иш ўринларини сақлаб қолиш в.х.з), иккинчи томондан давлат қайсидир маънода тузилган фарзандларни боқиш табиялаш ва уларга маълумот беришда иштирок этади,аслида фарзанднинг туғилиши ва вақтини унинг ота онаси белгилайди ва уни таъминлаш асосан уларнинг вазифасидир.Умуман олганда, 1 маротабалик нафақалар билан таъминлаш принципи пронаталистик сиёсатнинг бошқа чора тадбирларга қараганда анча дифференциаллашган бу чоралар кўп даражада ижтимоий манзил характерига эга бўлиб, оиланинг даромадлари ва ижтимоий статусига мустаҳкам боғлиқ. Бу ҳолат депопуляцион мамлакатларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари билан тўлиқ мос келади. Бу ерда асосий ўринни асл демографик қарашлар эмас, кўпроқ ижтимоий қарашлар: ҳар бири кишини ижтимоий ҳимоялаш ва минимал даромад билан таъминлаш, аёллар эркинлиги ва карьера билан оила орасидаги танлови эркинлиги эгаллайди.

Асосий эътибор ижтимоий адолатга, ижтимоий дискриминацияни қисқартиришга, фарзандлар сони турлича бўлган оилаларнинг турмуш даражасини тенглаштиришга қаратилади. Оилавий ва бир маротаба бериладиган нафақаларнинг миқдори бой мамлакатларда анча юқори бўлиб, аксинча қашшоқ мамлакат (Греция, Португалия, Ирландия) мамлакатларида туғилишни пасайтирмаслик ва юқоридаги мамлакатларнинг демографик дастурларини расман овоза қилиниишига қарамай, тузилиш тенденцияларига реал тарзда таъсир этиш имконияти мавжуд эмас.

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил ва уни тўлаш принциплари. Мамлакатлар бўйича ҳомиладорлик ва туғруқ учун таътил бериш асослари ва схемалари анчагина дифференциялашган асосий фарқлар давлат сектори ва

хусусий секторда ишловчи аёллар орасида кузатилади. Уларга бериладиган таътил давомийлиги тўловнинг ўлчовлари ва молиялаш маблағлари бир биридан фарқ қилади. Одатда давлат секторида ишловчи аёлларга нисбатан узоқроқ давом этувчи таътил ва катта ўлчамдаги компенсациялар берилади.

Бундай ҳолларда таътилга ҳақ тўлаш ёкитўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобига ёки компенсациялашган шаклда (ижтимоий ва тиббий суғурта бюджети ва фондлари) амалга оширилади. Хусусий секторда ишловчи аёллар эса маблағларни турли суғурта фондларидан оладилар. Кўпгина компенсация миқдори хусусий сектордаги тадбиркорга боғлиқ бўлади ва 70% дан ошмайди. Қатор мамлакатларда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил хуқуқи, суғурта бадалларини тўлаш ва ҳомиладорликка қадар шу ишда қанча муддат ишлаганлигига боғлиқ бўлади.

## 6. Ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги демографик сиёсат

Аҳоли соғлиғини сақлаш ва ўлимни камайтириш сохасидаги сиёсат, туғилишни тартибга солиш сиёсатига нисбатан, ижтимоий сиёсатга яқинроқ интеграллашган. Бундай мустахкам интатеграллашувни асосий сабаби унинг икки турда намоён бўладиган универсаллигидадир.

Биринчидан, хар қандай цивилизациялашган жамоатдан ушбу соҳадаги сиёсат мақсадининг ўзи универсалдир. Инсон хаётини узайтириш, унинг сифатларини, яъни соғлом ва актив хаёт даврини яхшилаш асосий гуманитар қадриятлар жумласига киради. Шу сабабли, бу сохада олиб бориладиган сиёсатнинг мақсадлари хеч қандай бахс мунозараларини келтириб чиқармайди; инсоният жамиятининг ривожланишининг маълум даврлари ва эпидемиологик ўтишнинг турли босқичларида бўлган конкрет ахоли тўпламлари (худудлари, давлатлари)га нисбатан харакатларнинг доимий йўналишлари ўзгартирилади ва мақсадга эришишнинг адекват ва самарали усуллари ҳамда чоралари танланади.

Иккинчидан, ахоли соғлиғини сақлаш ва ўлимни камайтириш соҳасидаги сиёсат хам, умуман ижтимоий сиёсат каби эрта қариш, касалликларни кўпайиши, саломатликнинг пасайиши оқибатида аҳолининг йўқотишларини камайтиришга қаратиладиган ушбу сиёсат таъсир жихатдан универсал, чунки бу сиёсатнинг мақсадлари барча ахоли учун ягона бўлиб, ахолининг барча ижтимоий, демографик, худудий ва бошқа гурухларини, давлат олдида соғлиқни сақлаш ва инсон хаётини узайтириш дастурларини амалга оширишда тенгликлиги ва саломатлик эхтиёжларини қондиришдан хеч қандай дискириниминацияга йўл қўймасликни назарда тутади.

Аҳолини соғлиғини сақлаш ва умрини узайтириш бўйича узоқ муддатли сиёсатни ишлаб чиқишда ҳар қандай давлат учун бу сиёсатнинг иккита ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари бўлиши лозим. Биринчиси аҳоли саломатлигини ва ўлимнинг ёш жинсий кесим бўйича шаклланиш тарихи ва хозирги тенденцияларнинг ҳолати ҳақида умумий ва алоҳида худудий, ижтимоий, этник ва бошқа адекват тасаввурларнинг мавжудлиги. Ушбу

ҳолатнинг батафсиллиги олиб бориладиган сиёсатнинг яқин ва узоқ истиқболли дастурларини танлашда муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли соғлиғини сақлаш ва ўлимни камайтириш соҳасидаги сиёсатнинг иккинчи таркибий қисми таҳмин қилинаётган сиёсатнинг чора тадбирлари, йўналишлари ва принципларини қўйишдан мақсад доирасида умумлаштирувчи концепциядир. Нисбатан концентрланган ҳолатда ушбу концепция БССЖнинг дунёдаги ўлимни камайтириш соҳасида сезиларли муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг тажрибаларини умумлаштирувчи “Барча учун саломатликка эришиш бўйича” стратегиясида ўз аксини топган. Бу тажриба шуни кўрасатадики, инсонлар фақат иқтисодий ривожланишга эришиш воситаси сифатида қаралмай, инсоният инсоний омилдан иборат бўлиб қолмасдан ва иқтисодий ўсиш кишилик жамиятининг ҳисобига эмас, аксинча уларнинг қизиқишлари йўлида амалга оширилсагина, стратегия самарали бўлиши мумкин. Бу сиёсат декларация эмас, бироқ реал фаолиятнинг замонавий таъминотидир. Бу фаолият натижасида ривожланган мамлакатларда илгари ҳам, ҳозирда ҳам инсоний капитални ривожлантиришга анчагина маблағларнинг инвестицияси давом этиб келмоқда. Буни соғлиқни сақлаш стратегиясида қўлланилганда энг камида қуйидаги асосий принципларга амал қилишни англатади.

Соғлиқ хуқуқини инсоннинг энг муҳим хуқуқларидан бири деб тан олиниши. Давлат ҳар бир инсоннинг қадрини, шунингдек саломатлик борасида барча инсонларнинг хуқуқларини, мажбуриятларини ва жавобгарликларини тенглигини тан олади ва тасдиқлайди.

Саломатлик ва уни мухофаза қилиш масалаларида адолат. Саломатлик ва уни мухофаза қилиш 2 та асосий аспектни ўз ичига олади: камбағаллик ва у билан боғлиқ саломатлик ва хавф солувчи амалларни қисқартиришга йўналтирилган ижтимоий иқтисодий сиёсат олиб бориш; алоҳида эхтиёжларга эга бўлган (соғлиғидаги муаммолар, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатга кўра) аҳоли гуруҳларини изоляциядан ҳимоялаш ва уларга керакли тиббий санитар ёрдамни олишлари учун имкон яратиш. Алоҳида инсонлар, аҳоли гуруҳлари, ташкилотлар ва жамоат секторларининг соғлиқни сақлаш фаолиятидаги иштироки ва жавобгарлиги. Бу принцип саломатлик феноменининг мультифактор табиатини тушунишга асосланган ва иккита асосий элементдан: барча секторлар саломатлик учун жавобгарликни тан олишлари ва уларни соғлиқни сақлаш фаолиятига жалб қилишининг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда соғлиқни сақлаш масалаларига тегишли сиёсатни ишлаб чиқилиши ва амалга оширлишида аҳолининг иштирокидан иборат. Саломатликни мустахкамлаш ва ўлимни камайтириш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишда эпидемиологик ўтиш тарихи ва эпидемиологик жараёнларнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиш инсон ҳаётини, унинг актив ва соғлом даврини максимал узайтириш сингари узоқ муддатли улкан мақсадлар билан бир қаторда реал ҳолатда адекват бўлган мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўйишни назарда тутади. Бундай масалалар жумласига аҳолининг баъзи ёш жинсий гуруҳлари, ижтимоий хавф юқори (ишсизлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, вахоказо) гуруҳлари

орасидан ўлим ва касалланишнинг алоҳида сабаблари динамикасидаги салбий тенденцияларни енгиш зарурияти киради. Бу мақсадлар доирасида амалга ошириладиган дастурлар кўп жихатдан (экстренный) коньюнктур характерга эга бўлсада, кишиларнинг хаёти ва саломатлигини сақлаш учун курашларнинг бош стратегиясига қаршилик қилмайди. Бундан ташқари саломатлик ва ўлим трендларининг кўпчилик салбий ўзгаришлари ушбу соҳадаги ижтимоий сиёсатнинг концептуал ва тактик камчиликлари натижасида юзага келганлиги сабабли, антикризис дастурлар бош стратегиянинг асосий коррекцияловчи асбоби бўлиб хизмати қилади.

**Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Демографик сиёсатнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Демографик сиёсатни ўтказишнинг қандай услубларини биласиз?
3. Демографик тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?
4. Туғилиш соҳасида демографик сиёсатни ўтказишдан мақсад нимада деб ўйлайсиз?
5. Фарзандли оилаларга бериладиган ёрдам чоралари қандай гуруҳларга ажратилади?
6. Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақаларнинг қандай турлари берилади?
7. Республикада ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай имтиёзлар берилган?
8. Ўзбекистонда ўлимни камайтириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. / Зокирова Н.Қ., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдураманов Х.Х., Абдураҳмонова Г.Қ., Шакаров З.Г. Демография. Дарслик. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. – 364 б.
2. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. O’quv qo’llanma. – T.: Noshir, 2011. – 296 b.
3. Демография: учебное пособие / коллектив: под ред. В.Г. Глушниковой, Ю.А. Симагина. - М.: КНОРУС, 2013. - 304 с.

4. Доброхлеб В.Г., Джавадова С.А. Демография: курс лекций. – М.: РГГУ, 2012. – 247 с.
5. Медков В.М. Демография. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2015. – 683 с.
6. Демография: учебное пособие / коллектив авторов: под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А. Симагина. – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. – 304 с.
7. Основы демографии: Учеб. Пособие / П.И. Косов, А.Б. Брендеева. – 2-е изд., доп. и перераб. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 288 с.
8. Саградов А.А. Экономическая демография. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2016. – 297 с.

9. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
10. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги сайти.
12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
13. http://coombs.any.edu.au/ResFacilies/Demographypage.html - Австралия миллий университетининг демография сайти.
14. http://demoscope.ru - «Демоскоп Weekle».
15. http://dmo.econ.msu.ru/demografia - Москва Давлат университети “Иқтисодиёт” факультети аҳолишунослик муаммоларини ўрганиш бўйича марказ сайти.
16. http://esa.un.org/popin/ - БМТнинг расмий демографик сайти
17. http://www.demographia.ru - “Демографик тадқиқотлар” интернет-журналининг сайти.

## 2-мавзу. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда унинг инсон тараққиёти мақсадидаги роли ва ўрни (2 соат)

Режа:

1. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш механизми ва йўналишлари
2. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтлар
3. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

### 1. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш механизми ва йўналишлари

**Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими** – бу моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида аҳолининг турли ижтимоий-демографик ва касб гуруҳлари, шунингдек, давлат учун алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларга тақдим этиладиган ижтимоий пенсия, нафақа, компенсация, субсиция (пул кўринишида бериладиган ёрдам) ва имтиёзлар тизимидир.

**Ижтимоий нафақалар** – бу беғараз тарзда вақтинчалик ёки доимий равишда аниқ шахс ёки шахслар гуруҳига маълум миқдорда пул шаклида бериладиган тўловдир. Имтиёз бир шахс ёки шахслар гуруҳига вақтинчалик ёки доимий тарзда маълум моддий имтиёзлар пул ёки натура шаклида тақдим этилади. Компенсация аниқ шахс ёки шахслар гуруҳига қонунчиликда қайд этилган мақсадларга сарфлаган ҳаражатларини тўлиқ ёки қисман қоплашдир. Субсидия эса фуқароларга тақдим этиладиган моддий қулайлик ва шароитлар учун (тўлиқ ёки қисман) маълум мақсаддаги тўловлардир.

Ижтимоий ёрдам ҳам ижтимоий, ҳам касбий кўрсаткичларга кўра тақдим этилади. Ҳозирги даврда ижтимоий кўрсаткичларга кўра, уруш қатнашчилари, ногиронларнинг турли тоифалари, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ёш оилалар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, сурункали касалликларга чалинган фуқароларга ёрдам кўрсатилади. Касб кўрсаткичларига кўра имтиёзлар ҳуқуқи оғир жимоний ва санитар-гигиеник

меъёрларга жавоб бермайдиган ҳамда шунга ўхшаш меҳнат шароитида банд бўлган фуқароларга тақдим этилади.

Ижтимоий нафақа, компенсация, субсидия ва имтиёзлар қўлланилиш йўналишларига кўра қуйидагича таснифланади:

– турар-жой маиший хизмат: турар-жой коммунал хизматлари, телефон ўрнатиш ва ундан фойдаланиш, қурилиш, уй-жой сотиб олиш ва таъмирлаш, ёқилғи билан таъминлаш ва бошқалар учун имтиёзлар;

– транспорт хизматлари: шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро транспортда юриш, транспорт воситалари билан таъминлаш бўйича имтиёзлар ҳамда бензин сарфининг компенсацияланиши ва бошқалар;

– тиббий хизмат: тиббий асбоб, дорилар билан бепул таъминлаш, сиҳатгоҳ-курорт хизмати;

– болаларни таъминлаш: овқатланишини (нонушта, тушлик) ташкил этиш, мактаб ва спорт кийими билан таъминлаш, мактабгача ёшдаги болалар тарбия муассасалари, ёзги таътил оромгоҳлари ва бошқаларга пул тўлашдаги имтиёзлар;

– давлат ижтимоий хизмати тизимида кексалар, ногиронлар, касаллик туфайли меҳнатга лаёқатсизлар, шунингдек, қийин аҳволда қолган фуқаролар ва вояга етмаганларга ижтимоий хизмат кўрсатиш.

Аҳолига ижтимоий ёрдамни тақдим этиш қуйидаги кўринишда бўлади:

– пул тўловлари (ижтимоий пенсия, нафақа, компенсация, субсидия ва бошқа);

– натурал ёрдам (озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур саноат товарлари, ёқилғи ва бошқа);

– имтиёзлар (турар-жой, коммунал, транспорт ва бошқа хизматларида).

Айтиш жоизки, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали тизимини фақатгина унинг турлари ҳамда кўп субъектли ташкилий-ҳуқуқий шаклларни уйғунлаштириш, ундаги ишчи, иш берувчи ва фуқаролар (фуқаролик жамиятидаги ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларини ташкил этган), шунингдек, давлат хокимияти органларининг фаол ва маъсулиятли иштироклари асосида шакллантириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турганидек, ижтимоий муҳофазанинг шахсий ўзини-ўзи ҳимоялаш, ижтимоий хайрия тадбирлари, ижтимоий ҳамжиҳатлик, давлат ижтимоий таъминоти ва ёрдами, ижтимоий ҳимоянинг фирма тизимлари каби шакллари мавжуд. Бу шакллар ташкиллаштириш тамойиллари, тўлов ва хизмат турлари, молиявий манбалари ҳамда ҳуқуқий таъминоти бўйича фарқланади.

Табиийки, аксарият фуқароларга ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар уларнинг моддий ҳолатларини яхшилаш мақсадида тақдим этилади. Амалдаги аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар таъсирида шаклланиб келган.

Олдинги йиллардаги кам миқдордаги ойлик маоши турли ижтимоий тўлов ва имтиёзлар кўринишидаги қўшимча компенсациялар киритилишини тақозо этарди ва улар аҳолига ижтимоий истеъмол жамғармалари ҳисобидан асосан бир хил тарзда тўланиши назарда тутилган.

Тенглаштириш тамойилига асосланган ижтимоий тўлов ва имтиёзлар тизими иқтисодий ўзгаришлар шароитида гарчи аҳоли даромадлари кескин пасайгани сабабли ижтимоий ёрдамга эҳтиёж кўпайган бўлса ҳам самарасиз бўлиб қолди.

Натижада шаклланган ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини пасайтирувчи омилларига қуйидагилар кирган:

– тўлов ва имтиёзларнинг аҳолининг кўп тоифасига берилиши, моддий таъминланганликнинг деярли эътиборга олинмаганлиги;

– моддий ёрдам олувчиларнинг фаровонликка ўз кучлари билан эришиш имкониятларини тўла инобатга олмаслик. Маълумки, бунинг оқибатида ижтимоий боқимандалик, нофаоллик, жамият маргинализацияси келиб чиқади;

– ҳудудий ва муниципал хокимият органлари ўртасида ижтимоий ёрдам кўрсатиш ваколатлари ва жавобгарлигининг аниқ тақсимланмаганлиги. Бу эса, ижтимоий тўлов ва имтиёзларни тақдим этиш ва молиялаштиришда жавобгарликдан бош тортишга олиб келади;

– аҳолининг анъанавий кам таъминланган гуруҳлари: пенсионерлар, ногиронлар, ёлғизлар, кўп болали оилаларга эътибор берилиши, аксарият ҳолларда “янги ночор”ларнинг четда қолиши.

Ҳозирги шароитда ижтимоий муҳофаза тизимининг самарадорлик мезони сифатида унинг кат таъминланганлик муаммосини ҳал қилишга қаратилганлигини ва бу муаммонинг ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари орасида биринчи ўринга қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Бироқ, амалдаги ижтимоий муҳофаза тизими кўпроқ тенглаштириш тамойилларига асосланган бўлиб, ресурсларни аҳолининг энг кам таъминланган гуруҳларида берилишида баъзи чекланишларга эга. Ижтимоий ёрдамга ажратилган харажатларнинг умумий йиғиндисидан фақат учдан бир қисмигина кам таъминланганларга ажратилиб, қолган учдан икки қисми жамиятнинг ушбу ёрдамисиз ҳам ўзларини таъминлай олишлари мумкин бўлган аҳолига берилган.

**1-жадвал**

## Ижтимоий муҳофазанинг асосий шакллари

| Ташкилий-ҳуқуқий шакллар тавсифи | Ижтимоий муҳофазанинг асосий шакллари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Шахсий ўзини-ўзи ҳимоялаш | Ижтимоий хайрия тадбирлари | Ижтимоий ҳамжиҳатлик | Давлат ижтимоий таъминоти ва ёрдами | Ижтимоий ҳимоянинг фирма (корхона) тизимлари |
| Ташкиллаштириш тамойиллари | Фуқароларнинг ўзининг моддий фаровонлиги учун жавобгарлиги | Жамиятнинг мухтож қатламларига ёрдам кўрсатишда иштирок этиш | Ҳамжиҳатликда ўз-ўзини ҳимоялашда ижтимоий ҳамкорлик | Давлатнинг давлат хизматчилари ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари олдидаги жавобгарлиги | Корхона ишчиларини ижтимоий ҳимоялашда ишчи ва иш берувчиларнинг ижтимоий ҳамкорлиги |
| Ташкиллаштириш шакллари | Шахсий даромад ва жамғармалар, шу жумладан, кўчмас мулк сотиб олиш, шахсий суғурта | Хайрия ташкилот ва муассасалари | Мажбурий ва ихтиёрий ижтимоий (жамоавий) суғурта | Ижтимоий кам даромадли тоифалар учун давлат ёрдами шакллари | Корхона ходимлари учун фирма ёрдами шакллари |
| Тўлов ва хизмат турлари | Турар-жой, тиббий хизмат, овқатланиш ва бошқа кундалик эҳтиёж учун тўловлар | Текин овқатланиш, қарияларни парваришлаш | Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврида ёрдам пули, нафақалар, тиббий ёрдам | Нафақа, пенсия, тиббий даволаниш | Ишга бориш учун транспортда юриш, даволаниш ва реабилитация хизматлари учун ҳақ тўлаш |
| Молиявий манбалар | Ойлик маош, хизмат пули, шахсий жамғармалар, тадбиркорлик фаолиятидаги даромадлар, қимматбаҳо қоғоз ва кўчмас мулкдан олинадиган фойда | Хусусий ва юридик шахсларнинг эҳсонлари, фуқароларнинг хайрия тадбирлари | Ижтимоий суғурта жамғармаларига мажбурий суғурта тўловлари (бадаллари) | Бюджет, шу жумладан, муниципал манбалар (ўз-ўзини бошқариш органлари манбалари) | Корхона ва ташкилотларнинг даромадлари |
| Ҳуқуқий таъминот | Фуқаролик-ҳуқуқий қонунчилик | | Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунлар | | |

Молия танқислиги шароитларида ижтимоий ёрдам кам микдорда ажратилиши ва вақтида етказилиб бермаслиги билан шарҳланади. Ҳозирги вақтда ёрдам олувчиларнинг даромад миқдори фақат турар-жой субсидияси, болалар учун ҳар ой бериладиган пул ва кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши белгиланаётганда эътиборга олинмоқда. Қонунга кўра, кам таъминланганларга ёрдам уларнинг ариза асосида ўша вақтданоқ ёки уч ойгача муддатдан кам бўлмаган даврда берилиши лозим. Аризада оила таркиби, даромади ва мулки ҳақидаги маълумотлар яшаш минимуми кўрсаткичлари йиғиндиси ва оила аъзоларининг умумий даромадлари ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб, мазкур фарқ доирасида белгиланади. Ёрдам пул тўловлари шаклида (ижтимоий нафақа, субсидия, компенсация) ҳамда натурал шаклда (ёқилғи, озиқ-овқат, кийим, пойабзал, тиббий воситалар) бўлади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг асосини умумий ижтимоий трансфертлар, маҳсулот ва товарларга бўлган субсидия ва хизматлар, шунингдек, тоифаларга доир имтиёзлар ташкил этсада, у энг кам таъминланган аҳоли қатламларига ресурслар ажратилишини таъминлай олмаётгани кузатилиб, бунинг сабаби – аниқ манзиллик йўқлигидадир.

Манзиллик тамойилига кўра, ижтимоий тўлов ва имтиёзлар ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан уларга муҳтож аҳоли гуруҳига йўналтирилган бўлиши лозим. Ҳозирги даврда ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади ночорликка қарши курашиш экани боис, манзил гуруҳи – бу кам таъминланган аҳоли табақаларидир.

## 2. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтлар

Ҳар қандай давлатда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни амалга ошириш билан шуғулланадиган ижтимоий институтларнинг бутун бир тизими мавжуд.

Бозор иқтисодиётига йўналтирилган мамлакатларда касаллик, бахтсиз ҳодисалар рўй берганда ёки касаллик даврида қарорлар қабул қилишдаги шахсий эркинлик ва жавобгарлик ижтимоий ҳимоя тизимининг ташкил қилинишида асосий устунлардан ҳисобланади. Бироқ, инсоннинг бир ўзи барча ҳаёт қийинчиликларини енгишга қодир эмас. Моддий таъминланмаганликнинг ижтимоий хатари баъзи ҳолларда енгилмас куч тусига эга бўлади, бу ногиронликнинг эрта шакллари, касалликларнинг оғир ва бедаво турларига чалинганлигидир. Шу сабабдан аксарият ривожланган мамлакатлар XIX-аср охирларидаёқ ижтимоий хатар ҳоллари бошланганда ёрдам ташкил қилиш заруратини англашган. Одатда, ижтимоий ҳимоянинг иккита институти қуйидаги шаклларда қўлланилади: давлат ижтимоий ҳимояси (беғараз, пулсиз шакли) ва ижтимоий суғурта (ижтимоий ҳимоянинг пуллик шакли).

Жаҳон тажрибасига кўра, ижтимоий ҳимоянинг қуйидаги бешта асосий институти мавжуд :

**1. Давлат ижтимоий ёрдами.** Меҳнатга лаёқатлигининг йўқлиги, ишсизлиги, даромад манбаи мавжуд бўлмаганлиги сабабли мустақил

равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдами ҳисобланади. Бу ёрдам турининг ҳажми ўтмишдаги шахс даромади ёки аҳолининг умумий турмуш даражаси билан боғлиқ эмас. Ижтимоий ёрдам хайрихоҳлик тусига эгадир. Ижтимоий ёрдам доирасидаги нафақа ва ёрдам пуллари фақатгина қонунчиликда қайд этилган фуқаролар тоифаларига берилади. Мазкур ҳимоя институтининг асосий жиҳати – бу кам таъминланган аҳоли гуруҳларига давлатнинг ижтимоий-алиментли шартномасиз ёрдам кўрсатиш муносабатлари (болаликдан ногирон, бошқа эрта ногирон бўлган шахс, пенсия олиш учун зарур суғурта мақомига эга бўлмаган фуқароларга). Жисмоний шахс томонидан ижтимоий ёрдам олишида унинг ижтимоий меҳнат фаолиятидаги иштироки аҳамиятсиздир. Ушбу тизим ёрдам пулларига муҳтож шахснинг даромади текширилганидан кейин, унга даромаднинг минимал даражасини таъминлаш мақсадида берилади. Асосий сабаб – яшаш минимуми ҳажмида маблағнинг мавжуд эмаслигидир.

Ижтимоий ҳимоянинг ушбу институтининг молиявий манбаи сифатида ҳудудий ва муниципал бюджетлар олинади, улар умумий солиқ тизими ва махсус мақсадда йиғиладиган солиқ ҳисобидан шаклланади.

**2. Давлат ижтимоий таъминоти.** Ушбу ҳимоя шаклида аввалдан маълум тўловлар бажарилганми ёки йўқми, шунингдек, шахсларнинг моддий ҳолати (муҳтожлиги) эътиборга олинмаган ҳолда давлат томонидан ижтимоий таъминот тақдим этилади. Мазкур ижтимоий ҳимоянинг молиявий манбалари – умумий ва махсус солиқлар ҳисобидан шаклланадиган давлат бюджетидан тўғридан-тўғри олинадиган маблағлар.

**3. Мажбурий ижтимоий суғурта.** Бу иқтисодий фаол аҳолини ўз даромадини меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли (касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексалик) ёки ишсиз қолгани сабабли йўқотиш хавфидан ижтимоий ҳимоялаш институтидир. Мазкур институтнинг молиявий манбалари – иш берувчилар, ишчилар (баъзан давлат)нинг ўзаро ёрдам ва ўз-ўзи учун маъсул бўлиш, ҳамжиҳатликнинг омилларига асосланган суғурта тўловлари (бадаллари) ҳисобланади.

Мажбурий суғурта тўловлари миқдори жамиятда шаклланган ижтимоий кафолат даражалари билан боғлиқ ҳамда улар ишчи ва иш берувчи ўртасидаги (давлат иштирокидаги) шартномалар натижасида шаклланади.

**4. Ихтиёрий қўшимча (касбий) ижтимоий суғурта.** Суғуртанинг бу тури иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари доирасида ёлланма ишчилар учун узоқ муддатли тармоқли ва жамоа шартномалари асосида ташкил этилади. Одатда, ихтиёрий қўшимча ижтимоий суғурта тизими хусусий тусга эга бўлади, бироқ уларнинг фаолияти махсус қонунчилик билан тартибга солинади. Унга кўра, суғурталанувчилар учун ижтимоий кафолатлар тизими яратилади, жумладан: бир иш берувчида ишлашнинг минимал муддати, ушбу муддат тугагач, ишчида қўшимча ҳимоя турларига ҳуқуқи пайдо бўлади. Масалан, пенсия таъминоти ҳуқуқи; суғурталанувчи ўз иш жойини ўзгартирган ҳолда суғурта бўйича қўлга киритган ҳуқуқлари сақланиб қолади.

**5. Фуқароларнинг шахсий (хусусий) суғуртаси.** Суғуртанинг бу тури шартнома асосида тузилади ва шу боис унинг доиралари ҳамда амал қилиниши вақт даврлари, маълум жисмоний шахсларнинг молиявий имкониятлари, хатар турлари билан чекланган бўлади. Ушбу шакл учун суғурта шартнома мавжудлиги фуқароларнинг ўзи учун маъсуллиги хосдир.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган ижтимоий ҳимоянинг бешта институтидан ҳар бири ўзига хос жиҳат, вазифа ва қўлланилиш соҳаларига эгадир (2-жадвал).

**2-жадвал**

## Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтларнинг таққослама тавсифлари

| Ижтимоий ҳимоя институтларининг тавсифи ва механизмлари | Ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий институтлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Давлат ижтимоий ёрдами | Давлат ижтимоий таъминоти | Мажбурий ижтимоий суғурта | Ихтиёрий қўшимча ижтимоий суғурта | Ихтиёрий шахсий суғурта |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Ижтимоий кафолат ва ҳуқуқлар вужудга келиши асосларини тартибга солиш услублари | Қонунга кўра: меҳнат лаёқатини йўқотган ёки унга эга бўлмаган ва муҳтож фуқароларга ижтимоий-алиментли ёрдам, агар улар муҳтож деб топилса | Қонунга кўра: давлат хизматида банд бўлган маълум меҳнат стажига эга шахсларига | Қонунга кўра: мажбурий суғурта стажи ёки ногиронлик, боқувчисини йўқотган ҳолларда | Келишув муносабатлари асосида: маълум суғурта стажи ва жамоа (тармоқ) шартномаси мавжудлигида | Шахсий суғурта шартномаси ва суғурта тўловларини тўлаганлиги асосида |
| Ташкил этиш тамойиллари | Бутун жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтожлар учун минимал даромадини ҳосил қилишнинг ҳамжиҳатли маъсулияти | Давлатнинг иш берувчи сифатидаги ўз ёлланма ишчиларини пенсия билан таъминлаш учун жавобгарлик | Иш берувчи ва иш бажарувчиларнинг маъсулияти, ўзаро ҳамжиҳатлик ёрдами, ишчиларнинг ўз маъсулиятини ҳис этиши | Иш берувчилар касбий гуруҳларининг ишчиларни касб меҳнати хатаридан муҳофаза қилиш бўйича ҳамжиҳатлик ўзаро ёрдами | Фуқароларнинг маъсулиятлилик, тўлов пуллари ва бериладиган маблағлар эквивалентлигига тўлалигича риоя қилиш |
| Молиявий манбалари | Солиқлар ёрдамида шаклланадиган бюджет манбалари | Солиқлар ёрдамида шаклланадиган бюджет манбалари | Иш берувчи ва иш бажарувчиларнинг мажбурий суғурта тўловлари | Иш берувчиларнинг (бажарувчи) ихтиёрий суғурта тўловлари | Фуқароларнинг ихтиёрий суғурта тўловлари |
| Амал қилиш механизмлари | Муҳтожлик баҳоси – барча оила аъзолари даромади ва мулки миқдорини, шунингдек, давлат имкониятларини аниқлаш | Давлат бюджетининг молиявий маблағларини баҳолаш, пенсионерлар, пенсия миқдорини аниқлаш | Меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиш, кексалик, касаллик, боқувчидан жудо бўлиш туфайли иш ҳақидан маҳрум бўлиш, ижтимоий хавф-хатар турларини баҳолаш | Касб хатари туфайли меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиш муносабати билан ёки нафақахўрларнинг ёшини яшаб етиш даври билан боғлиқ ҳолда иш ҳақини йўқотиш | Индивидуал касалланиш хатарига баҳо бериш, меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиш |

| | | | | хавфига баҳо бериш | |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Пенсия ва нафақа миқдорини ҳисоблаш тартиби | Ижтимоий пенсиялар миқдори яшаш минимумига тенг (ўртача иш ҳақининг тахминан 20 фоизи). | Пенсия ва нафақа миқдори давлат хизматидаги иш стажи ва давомийлиги билан боғлиқ ва ўртача иш ҳақининг 55-70 фоизни ташкил қилади. | Пенсия ва нафақа миқдори суғурта стажи давомийлиги, иш ҳақи ҳажми, пенсияга чиқиш ёши билан боғлиқ ва ўртача иш ҳақининг 40-60 фоизини ташкил қилади. | Пенсия ва нафақа миқдори корхонадаги (тармоқ) иш стажи билан боғлиқ ва ўртача иш ҳақининг 20-30 фоизини ташкил қилади. | Суғурта тўловлари миқдори суғурта бадаллари ҳажми ва муддати давомийлиги билан боғлиқ. |
| Бошқарув шакллари | Давлат бошқаруви | Давлат бошқаруви | Иш берувчи ва иш бажарувчи таъсис этувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари | Иш берувчи ва иш бажарувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари | Хусусий суғурта компаниялари |
| Амал қилиш учун зарур шарт-шароитлар | Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар | Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар | Мажбурий ижтимоий суғуртанинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий механизмларининг мавжудлиги | Корхоналарнинг барқарор ва самарали фаолияти | Аҳолида заҳира учун маблағларнинг мавжудлиги, мамлакатда иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, ҳуқуқий давлат мавжудлиги, шахсий суғурта институтларининг ривожланганлиги |
| Ижтимоий ҳимоя институтининг кучли жиҳати | Меҳнатга лаёқатсиз ва мухтож аҳолининг кексалик давридаги ижтимоий кафолатлари | Пенсиянинг юқори ва барқарор даражада бўлиши | Пенсия миқдорини белгилашда суғурта стажи давомийлиги ва иш ҳақи ҳажми ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш | Кексалик ва ногиронликдаги ҳимоянинг қўшимча механизми | Индивидуал молиявий имкониятлар ва қўшимча моддий таъминот эҳтимоли |
| Ижтимоий ҳимоя институтларининг заиф жиҳатлари | Пенсиянинг паст, маъмурий ҳаражатларнинг эса юқори даражаси | Молиялашнинг бюджет манбаи, кенгайишга интилиш | Зарур суғурта стажига эга бўлган шахсларнинг етишмаслиги | Алоҳида корхоналарнинг молиявий имкониятлари чекланганлиги | Тақсимланиш фуқароларнинг молиявий имкониятлари билан чекланган, ўртача ва юқори даромадга эга табақалар томонидан фойдаланилади. |

Бунда энг асосийси (молиявий маблағи, кенг қамровлилиги, хизматлар хилма-хиллиги ва сифатига кўра) – бу мажбурий ижтимоий суғуртадир. Масалан, ривожланган мамлакатларда мавжуд ижтимоий суғурта турлари салмоғига барча ижтимоий ҳимоя харажатларининг 60-70 фоизи, ЯИМнинг 15-25 фоизи тўғри келади. Нобюджет ижтимоий жамғармалар салмоғига ижтимоий ҳимоя харажатларининг 45 фоиз, ЯИМнинг 8,0 фоизи тўғри келади.

Мажбурий ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам тавсифларининг мутаносиблиги 3-жадвалда берилган.

**3-жадвал**

**Мажбурий ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам тавсифларининг мутаносиблиги**

| Ижтимоий суғурта | Ижтимоий ёрдам |
|---|---|
| Молиялаш одатда ишчи ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобига давлат аралашуви эҳтимоли билан амалга оширилади. | Давлат бюджети ҳисобидан молияланади. |
| Иштирок этиш мажбурий. Тўловлар бадаллардан шаклланган суғурта жамғармаларидан тўланади. | Қонунчиликка кўра, тўловлар мухтожларнинг маълум тоифаларига берилади. |
| Аксарият ҳолларда қўшимча маблағ талаб қилинмайди, чунки жамғармаларнинг бир қисми даромад олиш мақсадида сармоя қилинади. | Муҳтожликка баҳо берилишда шахсларнинг мулки миқдори аниқланади. Баъзида маълум жиҳатлар қайд этилмайди (катта миқдорда бўлмаган шахсий маблағ). |
| Шахснинг нафақа пули олиш ҳуқуқи; унинг муҳтожлиги қайд этилмаган тарзда олиши мумкинлигини тасдиқловчи хужжатлар асос бўлади. | Нафақа беришдан мақсад – шахснинг даромадлари миқдорини маълум минимумгача етказиш, бунда бошқа омиллар ҳам инобатга олинади (оила катталиги, мажбурий тўловлар). |
| Тўлов ва нафақалар миқдори шахс кимлиги (бева, ногирон ва ҳ.к.) ёки қанча даромад топиши билан боғлиқ. | Нафақа миқдори олдинги иш ҳақи ёки ҳаёт даражаси билан боғлиқ эмас. |
| Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни суғурталаш схемалари одатда тўлалигича иш берувчи томонидан молияланади. | Ижтимоий ёрдамнинг фаровон турмуш тарзи билан умумий жиҳатлари мавжуд, бироқ ижтимоий ёрдам ночорликнинг кескин шакллари ва ижтимоий камситилишга йўл қўймаслик муаммосини ҳал этишга қаратилган. |

Суғуртани (шахсий ва мажбурий суғурталарни) ижтимоий ҳимоянинг бошқа институтларидан фарқловчи томони шундаки, бу шаклда суғурталанган шахс фақатгина аввал суғурта қилинган ва суғурта зарурати тасдиқланган шарт билан маблағ олиши мумкин. Умуман олганда, бошқа шартлар қўйилмайди. Мазкур ҳолат мухтожликни текшириш зарурατидан озод қилади.

Ижтимоий суғурта тизими бошқа ижтимоий ҳимоя тизимларидан (ижтимоий ёрдам, шахсий суғурта) унинг асосини келгусида пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд эҳтиёжларнинг турлари ташкил қилганлиги (иш ҳақининг

ўрнини қоплаш, касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексалик туфайли) билан фарқланади, шунингдек, у меҳнат муносабатлари (иш билан банд аҳолининг мажбурий суғурталаниши), суғурталанганларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларининг ижтимоий кафолатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Шахсий суғурта ҳамда ижтимоий ёрдам институтлари бундай масалаларни ечишга қодир эмас. Шахсий суғурта аҳоли катта қисмининг суғурта бадалларини тўлашга имкони йўқ. Давлат бюджети томонидан таъминланадиган ижтимоий ёрдамнинг ҳам молиявий имкониятлари чекланган ва у фақатгина жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари учун мўлжалланган.

## 3. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

1991 йили Ўзбекистонда ташкил этилган пенсия жамғармаси молиявий жиҳатдан қашшоқ бўлган, чунки унинг даромадлари ҳаражатларини қоплай олмасди. Лекин, ҳукумат томонидан 1997 йилда кўрилган чора-тадбирлар ёрдамида пенсия тизимининг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга ва ўша пайтдаги пенсия тўловлари бўйича қарзларни бартараф этишга эришилди.

Ҳозирги вақтда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ўз мажбуриятларини ўташ бўйича қарзлари йўқ, бироқ ушбу пенсия тизимини молиявий жиҳатдан тўлиқ ишончли дейишга ҳали эрта. Бунга сабаб камида 3 ойлик пенсия тўловлари билан таъминлаб турувчи заҳира жамғармасининг йўқлиги, мажбурий пенсия бадаллари миқдорининг нисбатан юқорилиги, кишиларнинг бу бадалларини тўлашдан қочиши ва бунинг иқтисодий рақобатбардошликка салбий таъсиридир.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг кўпчилиги пенсияларни белгилаш ва тўлашни бошқарувчи қонунларнинг мукаммал эмаслиги билан боғлиқдир. Бу энг аввало, пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий бадаллар миқдори ва пенсия миқдорининг бир-бирига мос келмаслигида кўринади ва уларнинг сабаблари қуйидагилар ҳисобланади:

Биринчидан, жинси бўйича фуқароларнинг пенсия жамғармасининг даромадлар ва ҳаражатлар қисмларининг ташкил топишидаги иштироки бўйича тафовут: аёлларга пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун 20 йил мобайнида пенсия жамғармасига бадалларни ўтказиб туриш кифоя бўлса, эркаклар учун бу муддат 25 йилни ташкил этади. Аёллар 55 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар, эркаклар эса 60 ёшдан. Аёллар ўртача 72 йил умр кўрадилар, эркаклар эса 67 йил. Демак, шуни айтиш мумкинки, аёлларнинг пенсия жамғармасининг ҳаражатлар қисмидаги улуши эркакларникига қараганда икки баробар кўпроқ, аммо уларнинг даромадлар қисмидаги улуши эркакларникидан сезиларли даражада камроқдир.

Иккинчидан, эркаклар ва аёлларни пенсия билан таъминлашдаги тафовут сабабли уларнинг пенсия жамғармасининг даромадлар қисмидаги иштирокининг ҳар йилги кўрсаткичи ҳам кескин фарқ қилади: аёллар учун бу кўрсаткич асосий пенсиянинг 2,75 фоизини ташкил этса, эркаклар учун 2,2

фоизини ташкил этади. Ҳамма гап шундаки, ўртача иш ҳақининг 55 фоизига тенг бўлган асосий пенсияни кўлга киритиш учун аёллар пенсия жамғармасида 20 йил мобайнида иштирок этишлари керак 55:20-2,75, эркаклар эса 25 йил (55%:25-2,2%).

Учинчидан, республиканинг қонунларидан маълумки, аҳолининг бир қисмига гуруҳлари учун пенсия жамғармасининг даромадлар қисмида иштирок этмаслик ҳуқуқи берилган (масалан, ҳарбий хизматчиларга).

Тўртинчидан, қонунлар аҳолининг кўпгина гуруҳларига бир қатор имкониятлар яратади: иш стажини икки баробар кўпайтирилиши (масалан, ҳарбийларнинг 1 йиллик хизмати 2 йил иш стажи деб саналади), ишчиларнинг турли сабабларга кўра ишламаган даври ҳам иш стажига қўшилиши (I-гуруҳ ногиронни парвариш қилиш билан банд бўлса, 16 ёшгача бўлган ногирон бола, 3 ёшгача бўлган бола тарбияси билан шуғулланса), пенсия жамғармасига бадал тўлаш билан ўз ҳиссасини қўшмаган даври ҳам иш стажига қўшилиши (таълим олса, ҳарбий хизматда бўлса, фарзандларига қараса), пенсияга турли қўшимча тўловларнинг қўшиб борилиши ва ҳ.к.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг атиги 42 фоизи пенсия жамғармасига тўловлар ўтказади, қолган 48 фоизи эса қонунларга мувофиқ ушбу тўловларни ўтказмасликка рухсат берилган. Кўриниб турибдики, агар пенсия жамғармасининг даромадлари қисмида иштирок этувчи меҳнатга лаёқатли аҳолининг улушини кўтарадиган бўлсак, (имтиёзларни бекор қилиш, иш ҳақини бутунлай қонуний бўлишини таъминлаш ва ҳоказо орқали) пенсия жамғармасининг молиявий аҳволини яхшилаш, балки мажбурий пенсия тўловлари микдорини камайтириш ҳам мумкин бўлади.

Пенсия тизимини такомиллаштиришнинг яна бир йўли – бу имтиёзларни бекор қилишдан иборат. Дунёдаги ҳар қандай ривожланган мамлакатда ҳам биздаги каби имтиёзлар мавжуд эмас. Режали иқтисодиёт тизимида бундай имтиёзлар маълум бир зарарли, соғлиқ учун хавфли меҳнат шароитида ишлайдиган ва иш ҳақи кам бўлган ходимларга овунчоқ вазифасини ўтаган. Аммо, бугунги кунда бозор иқтисодиёти тизими ҳукм сураётган даврда корхоналар ўз ходимлари учун мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўзлари иш ҳақи ҳажмини белгилаб турган пайтда, бундай имтиёзлар ўз моҳиятини йўқотади. Бундан ташқари, аввал зарарли ҳисобланган ишлаб чиқаришлар янги технологияларнинг тадбиқ этилиши ҳисобига ҳозир зарарли ҳисобланмайди. Агар корхона бундай технологияларни тадбиқ қилмас экан, у ўз ишчиларининг тезроқ пенсияга чиқиб кетишини ўзи таъминлаши шарт.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишда демограф олимларнинг прогнозларини ҳисобга олиш лозим. Уларнинг прогнозларига қараганда, 2020 йилга келиб Ўзбекистонда пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ўсиш суръати меҳнатга лаёқатли аҳолининг сонининг ўсиши суръатидан ошиб кетади. Бунинг натижасида 2025 йилга келиб пенсионерларнинг сони 2005 йилдагига нисбатан икки баробар кўп бўлади ва бу кўрсаткич меҳнатга лаёқатли

аҳолидан кўра тезроқ ўсади. Маълумки, бу пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, пенсия жамғармасининг ҳаражат қисмининг ўсиш даражаси даромадлар қисмининг ўсиш даражасидан юқори бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун ҳозирдан пенсия тизимини ислоҳ қилишни бошлаш керак. Чунки, ҳозир демографик нуқтаи назардан ушбу ислоҳотларни амалга ошириш учун энг қулай вақтдир.

Ривожланган мамлакатлар пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга ходимларнинг пенсияга чиқиш ёшларини кўтариш йўли билан эришган. Масалан, МДҲ таркибига кирувчи Россия, Белорусия, Украина ва Ўзбекистондан ташқари аксарият мамлакатлар пенсияга чиқиш ёшини қонун йўли билан кўтарди. Жумладан, Озарбайжон, Молдова ва Туркманистонда пенсияга чиқиш ёши эркаклар учун – 62 ёшга, аёллар учун – 57 ёшга, Арманистонда эркаклар учун – 63 ёшга, аёллар учун – 60 ёшга, Қозоғистонда эркаклар учун – 63 ёшга, аёллар учун – 58 ёшга кўтарилган.

Ўзбекистонда пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилашнинг қатор имкониятлари мавжуд. Улардан бири пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишдир. Таъкидлаш лозимки, республикада пенсия жамғармаси маблағларининг 87,5%ини ҳақиқий пенсия тўловлари, қолган 12,5%ини молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча ҳаражатлар (пенсияга устамалар, ижтимоий нафақалар, ҳарбий хизматчиларга пенсия тўловлари) ташкил этган. Бизнингча, молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча ҳаражатлар давлат бюджетининг бошқа манбаларидан молиялаштирилса, биринчидан, пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадлилиги ошарди, иккинчидан, пенсия жамғармасининг молиявий аҳволи яхшиланарди.

Республикада пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларидан бири имтиёзли пенсия тайинланишини камайтиришдир. Фикримизча, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишида кузатилаётган қуйидаги хусусиятлар имтиёзли асосда тайинланадиган пенсиядан бутунлай воз кечишга имкон беради. Жумладан:

– оилада бешинчи ва ундан кейинги бўлиб туғилаётган болалар сонининг камайиши;
– ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларнинг киритилишига катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли, иқтисодиётнинг аксарият тармоқларидаги меҳнат шароити аввалгидек зарарли ва оғир ҳисобланмаслиги.

Юқорида кўрсатилган хусусиятлар республикада имтиёзли пенсиядан бутунлай воз кечишга имкон беради. Бу эса, пенсияга чиқиш ўртача ёшини эркаклар учун 1,5 йилга, аёллар учун 2 йилга кўтариш имконини беради.

Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларидан яна бири эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини тенглаштиришдир. Янги иқтисодий муносабатлар шароитда Ўзбекистон

аҳолисининг жинсий таркибида бевосита аёлларга хос ижтимоий-демографик хусусиятлар содир бўлмоқда. Жумладан:

– ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар салмоғи ортиб бормоқда;

– аёлларда эркакларга нисбатан туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлигининг юқорилиги сақланмоқда;

– репродуктив ёшдаги аёлларда туғиш ҳоллари кескин камайиб бормоқда.

Кўриб ўтилган ижтимоий-демографик хусусиятлар эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш имконини яратади. Мазкур тадбирни амалга оширилиши ўртача пенсияга чиқиш ёшини 3 йилга кўтаришга имкон беради.

Бу механизмларни амалга ошириш натижасида ўрнини босиш ўртача коэффициентини кўтариш ва янги тўғрилаш коэффициентларини жорий қилиш йўли билан иш ҳақи ва пенсиялар минимал миқдорларини тенглаштириш мумкин бўлади.

Албатта, юқорида келтирилган пенсия таъминотини такомиллаштириш механизмини тўлалигича ва бир вақтда амалга ошириб бўлмайди. Чунки, уларнинг самараси 10-12 йилдан кейин намоён бўлади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, пенсия тизимини такомиллаштиришнинг энг самарали усулларидан бири бу жамғаришга асосланган пенсия тизимини шакллантиришдир. Лекин, бу тизим бирдамлик пенсия тизимининг ўрнини босиш керак эмас. Жамғаришга асосланган пенсия тизимини қўшимча, давлатга аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва давлат пенсия тизими олдидаги мажбуриятларини бажаришда ёрдам берадиган тизим сифатида кўриш лозим. Масалан, жамғаришга асосланган пенсия тизими имтиёзларни бекор қилиш ўрнини қоплаши мумкин.

Бундан ташқари, жамғаришга асосланган пенсия жамғармаси мамлакат иқтисодиёти учун самарали инвестиция манбаидир. Буни жуда кўп мамлакатлар тажрибаси асосида кўриш мумкин. Масалан, Чилида иқтисодиётнинг ривожи учун кетаётган молиявий манбаларнинг асосий қисми айнан жамғаришга асосланган пенсия жамғармалари томонидан таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, жамғаришга асосланган пенсия жамғармаларини ташкил этиш ҳамда унда иштирок этиш бутунлай ихтиёрий бўлган нодавлат пенсия жамғармалари тармоғини яратиш орқали амалга оширилиши лозим. Албатта, бундай жамғармаларни ташкил этиш қоидаларини таъминловчи ва фаолият жараёнини бошқариб турувчи қонунлар талаб қилинади. Уларнинг инвестицион фаолиятини эса махсус бошқарувчи компаниялар орқали амалга ошириш мумкин. Бу эса, маблағ қўйишнинг самарадорлигини ва унинг сақланиши кафолатини таъминловчи асосий шарт ҳисобланади.

Фикримизча, бундай тизимни босқичма-босқич яратиш керак. Босқичма-босқич дейилганда, қуйидаги чораларнинг кетма-кет амалга оширилиши тушунилади:

– пенсия жамғармаларининг ҳимоясини таъминлаб берувчи ва нодавлат пенсия тизими иштирокчиларининг муносабатларини бошқариб турувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш;

– давлат пенсия тизимига бўлган мажбурий механизмни мукаммаллаштириш ҳисобига иш берувчилар нодавлат пенсия тизимида иштирок этишига шарт-шароитлар яратиб бериш;

– йирик корхона ходимлари учун нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш.

Давлат ушбу тизимни яратиш бўйича ташаббускор ва улар фаолиятининг қонунийлигини таъминловчи кафил бўлади. Масалан, жамғаришга асосланган пенсия тизимида жуда кўп молиявий маблағлар йиғилади ва давлат томонидан белгиланадиган “ўйин коридори” молиявий пирамидалар пайдо бўлишининг олдини олиши ва улар фаолиятининг аниқ қонунларга асосланганлигини белгилаш ҳамда маблағ қўйишдаги хавф-хатарларнинг минималлигини таъминлаб беради.

Давлатнинг хусусий пенсия жамғармаларини бошқаришдаги асосий чоралари қуйидагилар ҳисобланади:

– жамғармалар фаолиятини лицензиялаш;

– уларнинг молиявий ҳолатини доимий мониторинг қилиш;

– жамғармаларда мажбурий бухгалтерия ҳисобини олиб боришни текшириш ва ҳар йили мустақил аудитни ўтказиш;

– молиявий хавф-хатар даражаси катта бўлган лойиҳаларга капитал қўйишнинг олдини олиш мақсадида пенсия активларини саралаш устидан назорат қилиш.

Нодавлат пенсия жамғармаси ўз мулки ва активлари билан барча иштирокчилар олдида маъсулиятни ва жавобгарликни олувчи мустақил юридик шахс бўлади. Давлат бундай пенсия жамғармаларининг қарзлари бўйича мажбуриятни ўз бўйнига олмаслиги керак. Ўз навбатида, пенсия жамғармаси ҳам давлат мажбурияти учун жавобгар эмас. Пенсия жамғармаси томонидан бериладиган пенсия миқдори пенсионернинг қўйган маблағи миқдори ва бу маблағларни инвестициялаш эвазига олинган даромад миқдори билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Ўтиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нодавлат пенсия жамғармалари, ҳеч бўлмаганда биринчи босқичларида иқтисодий ва молиявий жиҳатдан қудратли корхоналар ёки тижорат банклари томонидан ташкил этилиши лозим. Бунда соҳа ҳудуд жиҳатдан бир нечта корхоналарнинг пенсия жамғармалари корпоратив жиҳатдан бирлашиши ҳам мумкин. Айтиш керакки, нодавлат пенсия жамғармаларининг фаолияти пенсия бадалларини йиғишга, пенсия заҳираларини қайта жойлаштиришга, пенсия мажбуриятларини ҳисоблашга ва нодавлат пенсия жамғармаси иштирокчиларига пенсия тўлашга қаратилиши лозим. Бундай фаолиятни

юритиш учун давлатдан рухсат олиш мажбурий бўлиши керак.

Нодавлат пенсия жамғармаларига бадаллар ўтказиш корпоратив шартномалар асосида иш берувчи ва ишчи томонидан бажарилиши зарур. Бундай жамғармалар фаолиятида иштирок этиш учун фуқароларни жалб қилишда солиққа тортишга алоқадор усуллардан фойдаланиш лозим.

Нодавлат пенсия жамғармаларида ишчилар ва иш берувчилар иштирокининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

– кексайганда ўзига давлат пенсиясидан ташқари етарли маблағларни йиғиш имконияти;

– йиғилган маблағларнинг жамғарма раҳбарияти ва махсус бошқарув компаниялари томонидан сифатли бошқарилиши натижасида уларнинг кўпайтирилиши;

– қатнашчилар билан жамғарма ўртасидаги молиявий муносабатлар жараёнининг қулайлиги;

– молиявий мажбуриятларнинг хусусий пенсия жамғармаси иштирокчилари ўртасида тасдиқланиши;

– даромадларнинг солиққа тортиш базаси қисқариши ҳисобидан жорий солиқ тўловларининг камайиши;

Нодавлат пенсия жамғармаларини яратишнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, иш берувчиларнинг ундаги иштироки бир қатор шарт-шароитлар билан боғлиқдир:

– корхонанинг малакали кадрлар салоҳиятини сақлаб қолишига ва уни мустаҳкамлашга уриниши (баъзи иш берувчилар ўз ишчилари учун пенсия жамғармасига тўловни амалга оширишда маълум имтиёзлар яратади);

– хусусий пенсия жамғармаларида иштирок этаётган ишчилар учун бадал тўловини амалга ошириш эвазига фирмаларнинг солиқ тўловлари миқдорининг камайиши (АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида корхоналарининг солиққа тортиладиган бадаллари уларнинг ўз ходимлари учун хусусий пенсия жамғармаларига ўтказган бадалларининг умумий миқдорига камайтирилади. Кейинчалик солиқлар пенсия жамғармаси иштирокчиси бўлган ходим томонидан қўшимча пенсия тўловлари олиниши пайтида ушлаб қолинади).

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган устувор йўналишларни амалиётга тадбиқ этиш, биринчидан, пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашга, иккинчидан, пенсионерларнинг иқтисодий фаровонлигининг ошишига ёрдам беради.

## Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Ижтимоий сиёсат деганда нимани тушунасиз?
2. Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларини айтиб беринг.
3. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда давлатнинг ўрнини тушунтириб беринг.
4. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтларни санаб беринг.

5. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат жамғармалари фаолиятини нималардан иборат?

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Abduraxmanova G.Q., Abduramanov X.X. Ijtimoiy sohalar va inson taraqqiyoti. O'quv qo'llanma. - T.: Fan va texnologiya, 2018. - 312 b.

2. Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 476 б.

3. Человеческие развитие: новое измерение социально-экономического прогресса. Учебное пособие.  - М.: Права человека, 2008. - 636 с.

4. Kalandar Abdurakmanov, Nodira Zokirova. Human Development. Textbook. – norderstedt, Books on Demand, 2014, 428 p.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев19-сентабр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // www.lex.uz.

3. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

4. Человеческое развитие. Учебное пособие. / под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х. и д.э.н., проф. Жумаева Н.Х.  – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – 376 с.

5. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ. ПРООН. – М.: Весь Мир, 2010. – 244 стр.

6. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: УМЕД, ПРООН, 2008. - 462 стр.

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1 - амалий машғулот:
### Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси.

**Дарс шакли баҳс-мунозара.** Ишнинг мақсади тингловчиларда инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Инсон ва иқтисодиётнинг ривожланишинг узвий боғликлиги.
2. Инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий мақсади.
3. Инсон тараққиёти концепциянинг юзага келиши ва шаклланиши.

✍ **Муҳокама учун саволлар**

**Назорат саволлари:** инсон тараққиёти, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон тараққиёти концепцияси, инсон тараққиёти индекси, демографик ривожланиш, гендер тенгсизлиги, таълим, ижтимоий муҳофаза

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Kalandar Abdurakmanov, Nodira Zokirova, Bakhtiyor Islamov, Masato Hiwatari. Systemic Transformation and Sustainable Human Development: the Case of Uzbekistan. – Jakarta: Gunadarma Publisher, 2016. – 230 p.

3. Kalandar Abdurakmanov, Nodira Zokirova. Human Development. Textbook. – norderstedt, Books on Demand, 2014, 428 p.
4. Macroeconomics and Human Development. – First published, 2013. – 158 p.
5. Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 476 б.
6. Человеческое развитие. Учебное пособие. / под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х. и д.э.н., проф. Жумаева Н.Х. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – 376 с.

**Интернет сайтлари**

1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

## 2 - амалий машғулот:
## Инсон тараққиёти масалалари тармоғида таълимнинг ўзбек миллий моделини шакллантириш.

**Дарс шакли баҳс-мунозара.** Ишнинг мақсади тингловчиларда Инсон тараққиёти масалалари тармоғида таълимнинг ўзбек миллий моделини шакллантиришни муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели мазмуни ва моҳияти.
2. Ўзбекистонда демографик ривожланиш тенденциялари.
3. Миллий таълим сиёсатининг ҳуқуқий асослари.
4. Инсон тараққиёти масалалари тармоғида таълимнинг ўзбек миллий моделини шакллантириш.

**✍ Муҳокама учун саволлар**

**Назорат саволлари:** инсон тараққиёти, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон тараққиёти концепцияси, инсон тараққиёти индекси, демографик ривожланиш, гендер тенгсизлиги, таълим, ижтимоий муҳофаза

## Фойдаланилган адабиётлар


1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Kalandar Abdurakmanov, Nodira Zokirova, Bakhtiyor Islamov, Masato Hiwatari. Systemic Transformation and Sustainable Human Development: the Case of Uzbekistan. – Jakarta: Gunadarma Publisher, 2016. – 230 p.
3. Kalandar Abdurakmanov, Nodira Zokirova. Human Development. Textbook. – norderstedt, Books on Demand, 2014, 428 p.
4. Macroeconomics and Human Development. – First published, 2013. – 158 p.
5. Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 476 б.
6. Человеческое развитие. Учебное пособие. / под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х. и д.э.н., проф. Жумаева Н.Х. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – 376 с.


## Интернет сайтлари


1. www.economy.gov.ru
2. www.uza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

# V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

“Ижтимоий соҳалар ва инсон тараққиёти” модулидан битирув ишлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жамият ва инсон фаолиятида меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий ўрни.
2. Инсон ресурслари мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг асоси.
3. Инсон ресурсларининг шаклланиш босқичлари.
4. Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг инсонг ресурсларининг шаклланишига таъсири.
5. Инсон ресурсларининг ҳудудий тақсимланиши.
6. Инсон ресурсларининг ҳаёт сифати кўрсаткичлари.
7. Инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.
8. Миллий иқтисодиётда инсон ресурслари фаолиятининг тузилиши.
9. Корхона ва ташкилотларда кадрларга оид сиёсат.
10. Инсон ресурсларининг таркиби ва уни корхона миқиёсида таҳлил этиш.
11. Инсон капитали - жамият ривожининг негизи.
12. Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати.
13. Инсон ресурсларидан фойдаланишнинг чет эл тажрибалари.

# VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

## Тест саволлари

**1.Аҳолининг турмуш даражаси тушунчаси нимани ифодалайди?**

a) аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмол даражасини, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шарт-шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуини;

b) жамиятда яшовчи инсонлар эҳтиёжларининг ривожланиш ва ўсиб бориш қонуниятларини;

c) аҳолининг даромадлари билан боғлиқ бўлган жараёнларни;

d) аҳолининг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни.

**2. ________ – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усулларини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория.**

a) турмуш сифати;

b) турмуш даражаси;

c) турмуш тарзи;

d) турмуш қиймати.

**3. БМТ томонидан ишлаб чиқилган аҳолининг турмуш сифатини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими нечта гуруҳдан иборат?**

a) 8;

b) 12;

c) 6;

d) 18.

**4. Аҳоли турмуш даражасининг маънавий эҳтиёжларни қондирилиши бўйича кўрсаткичлар қайси жавобда тўғри келтирилган?**

a) ишлаб чиқаришда иш вақти йўқотилиши, реал пул даромадлари, ходимлар меҳнат шароити ўзгариши, шикастланиш даражаси;

b) спорт-соғломлаштириш, маданий-истироҳат масканлари, пенсиялар, нафақалар, ўртача ва энг иш ҳақи миқдорлари;

c) ишсизлар сони, иш билан бандлик даражаси, атроф-муҳит, жиноятчиликнинг аҳволи, аҳолининг пул даромадлари ҳамда ҳаражатлари;

d) аҳолининг саводхонлиги, нашр этилаётган адабиётлар, даврий нашрлар ҳажми, фуқароларнинг телевизор, ахборот воситалари ва компьютерлар билан таъминланганлиги.

**5. Аҳоли турмуш даражасининг ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичлар қайси жавобда тўғри келтирилган?**

a) ишлаб чиқаришда иш вақти йўқотилиши, ходимлар меҳнат шароити ўзгариши, ходимлар меҳнат шароити ўзгариши, шикастланиш, спорт-соғломлаштириш, маданий-истироҳат масканлари;

b) даромад, пенсиялар, нафақалар, ўртача ва энг иш ҳақи миқдорлари, мактаб ёшидаги болаларнинг мактаблар билан таъминланганлиги, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари, уларда таҳсил олаётганлар сони ва қабул миқдори;

c) ишсизлар сони, иш билан бандлик даражаси, атроф-муҳит, жиноятчиликнинг аҳволи, аҳолининг пул даромадлари ҳамда ҳаражатлари, нашр этилаётган адабиётлар, даврий нашрлар ҳажми;

d) аҳолининг саводхонлиги, ишсизлар сони, иш билан бандлик даражаси, фуқароларнинг телевизор, ахборот воситалари ва компьютерлар билан таъминланганлиги.

**6. Ривожланган мамлакатларда қайси омил аҳоли турмуш даражасини ҳосил қилувчи ва унга жиддий таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади?**

a) ишлаб чиқариш;

b) истемол;

c) қўшимча қиймат;

d) нафлилик.

**7. Жини индекси нимани ифодалайди?**

a) даромадларнинг фарқланишини;
b) инсон тараққиётини;
c) турмуш сифатининг ўсишини;
d) ўртача умр кўриш давомийлигини.

**8. Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг бош мақсади нима ҳисобланади?**

a) сотиш;
b) истеъмол;
c) фойда;
d) даромад олиш.

**9. Аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқланишни ҳисобловчи кўрсаткичлар тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) Жини ва инсон тараққиёти индекслари;
b) бандлик ва ишсизлик коэффициентлари;
c) Жини, децил ва квинтил коэффициентлари;
d) ЯИМ индекси, квинтил коэффициенти.

**10. Меҳнат ҳаёти сифатини белгиловчи омиллар қайси жавобда тўғри келтирилган?**

a) меҳнат шароити, меҳнат тури ва тавсифи, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли;
b) меҳнатдан қониқиш, иш вақтининг мослашувчанлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш;
c) саломатлик ҳолати, меҳнатдан қониқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли;
d) меҳнат характери, ахборот, маънавий етуклик, меҳнат шароити.

**11. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси нима билан баҳоланади?**

a) аҳоли томонидан олинадиган даромадлар миқдори, овқатланиш даражаси, турар-жой шароитларининг ҳолати;
b) аҳоли томонидан яратилган товар ва хизматларнинг пулдаги қиймати;
c) мамлакат резидентлари томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар;
d) муайян даврда яратилган ЯИМ.

**12. Турмуш даражаси компонентларини акс эттирувчи “БМТ концепцияси” ишлаб чиқилган йил тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.**

a) 1961;
b) 1991;
c) 1954;
d) 1946;

**13. БМТ мутахассислари томонидан дунё ҳамжамиятидаги нечта мамлакат аҳолиси турмуш сифатининг ҳар йилги кўрсаткичларига баҳо берилади?**

a) 136;
b) 219;
c) 180;
d) 196.

**14. Турмуш сифатини баҳолашнинг миқдорий усулларини бирлаштирувчи илмий соҳа нима деб аталади?**

a) демометрия;
b) квалиметрия;
c) психометрия;
d) геометрия.

**15. _________ – бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шарт-шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир.**

a) турмуш даражаси;
b) турмуш сифати;
c) турмуш қиймати;
d) турмуш тарзи.

**16. _________ – бу аҳолининг ҳаёт учун зарур бўлган моддий, ижтимоий, маданий ва маънавий бойликлар, яъни инсон эҳтиёжларини қондирувчи элементлар, хизматлар ва шарт-шароитлар билан таъминланганлигидир.**

a) қашшоқлик;
b) камбағаллик;
c) фаровонлик;
d) ночорлик.

**17. Турмуш даражасини тавсифловчи умумий кўрсаткичларга нималар киради?**

a) миллий даромад, истеъмол жамғармаси, миллий бойлик таркибида истеъмол жамғармасининг улуши;
b) ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражаси, меҳнат шароитлари, истеъмол даражаси;
c) турар жой билан таъминланганлик, ижтимоий таъминот, даромад миқдори;
d) ижтимоий таъминот, иш билан бандлик, маданий-маиший товарлар билан таъминланиш

**18. Истеъмол бюджетининг қандай стандартлари мавжуд?**

a) миқдор ва сифат;
b) энг кам, оқилона ва элитар;
c) нисбий ва мутлақ;
d) таъминлаган ва таъминланмаган.

**19. Жаҳон амалиётида истеъмол бюджетининг қандай усуллари ишлаб чиқилган?**

a) меъёрий, статистик, бирлаштирилган, субъектив ва заҳиравий;
b) статистик, математик ва эконометрик;
c) сон ва сифат;
d) ижтимоий, иқтисодий ва демографик.

**20. Инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминловчи миллий даромаднинг бир қисми – бу ?**

a) фискал сиёсат;
b) пенсия жамғармаси;
c) истеъмол жамғармаси;
d) касаба уюшмалари Федерацияси.

**21. _____________ – одамларнинг узоқ ва соғлом, муносиб турмуш кечиришлари, маълумотли бўлишлари учун зарур воситалардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтирилишидир.**

a) турмуш тарзи;
b) ҳаёт сифати;
c) инсон тараққиёти;
d) аҳоли фаровонлиги.

**22. Инсон тараққиётининг асосий кўрсаткичлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) даромад, ижтимоий хизмат, жамғарма;

b) реал даромад, иш билан бандлик, манзилли ижтимоий ҳимоя;

c) умр кўриш давомийлиги, саводхонлик даражаси ва ресурслардан фойдаланиш имконияти;

d) таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, санъат, ижтимоий таъминот.

**23. Маънавий неъматлар (қадриятлар) ишлаб чиқариш соҳаси тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;

b) ишлаб чиқариш ва истеъмол;

c) фан ва санъат;

d) молия ва ижтимоий таъминот.

**24. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти __________ деб аталади.**

a) қашшоқлик;

b) камбағаллик;

c) фаровонлик;

d) таъминланганлик.

**25. "Қашшоқлик" тушунчасига тўғри таъриф берилган жавобни аниқланг.**

a) моддий неъматлардан биологик мезонлар асосида минимал даражада фойдаланиш имконияти;

b) ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти;

c) инсон жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини такрор ҳосил қилишни таъминловчи илмий асосланган оқилона истеъмол даражаси;

d) инсон баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти.

**26. Фанга биринчи марта "иқтисодий одам" атамасини киритган олим номи тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) Адам Смит;

b) Альфред Маршалл;

c) Давид Рика́рдо;

d) Жон Стюарт Милль.

**27. "Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари хусусидаги тадқиқотлар" асарининг муаллифи ким?**

a) Альфред Маршалл;

b) Жон Стюарт Милль;

c) Адам Смит;

d) Давид Рика́рдо.

**28. Иқтисодиётда даромад келтиришга қодир бўлган ёки одамлар томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун яратилган ресурслар нима деб аталади?**

a) тадбиркорлик;

b) капитал;

c) демпинг;

d) инвестицион кредитлар.

**29. Даромадлар кўпайиши билан аҳоли томонидан неъматларни истеъмол қилиш пропорционал бўлмаган ҳолда ортишига асосланган иқтисодий қонунни фанга киритган иқтисодчи олим номини аниқланган.**

a) Альфред Маршалл;
b) Жон Стюарт Милль;
c) Адам Смит;
d) Эрнст Энгель.

**30. Пул даромадларини инфляциядан ҳимоя қилиш мақсадида қандай воситадан фойдаланилади?**

a) индексация;
b) диверсификация;
c) демпинг;
d) каучинг.

**31. Аҳоли даромадлари табақаланишининг квантил коэффициенти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.**

a) аҳолининг энг таъминланган 10,0 фоизи даромадларининг энг кам таъминланган 10,0 фоизи ўртасидаги фарқни кўрсатади;
b) аҳолининг таққосланаётган гуруҳлари ичидаги даромадларнинг ўртача миқдорлари нисбати ёки уларнинг даромадлари умумий ҳажмидаги улушини кўрсатади;
c) аҳолининг энг таъминланган 25,0 фоизи даромадларининг энг кам таъминланган 25,0 фоизи ўртасидаги фарқни кўрсатади;
d) камбағалларнинг таъминланганлар сонига нисбатини кўрсатади.

**32. Аҳоли даромадлари табақаланишининг децил коэффициенти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.**

a) аҳолининг энг таъминланган 10,0 фоизи даромадларининг энг кам таъминланган 10,0 фоизи ўртасидаги фарқни кўрсатади;
b) аҳолининг таққосланаётган гуруҳлари ичидаги даромадларнинг ўртача миқдорлари нисбати ёки уларнинг даромадлари умумий ҳажмидаги улушини кўрсатади;
c) аҳолининг энг таъминланган 25,0 фоизи даромадларининг энг кам таъминланган 25,0 фоизи ўртасидаги фарқни кўрсатади;
d) камбағалларнинг таъминланганлар сонига нисбатини кўрсатади.

**33. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад оқилона истеъмол бюджети даражасидан юқори бўлган оилалар ____________ деб аталади.**

a) таъминланган оилалар;
b) бой оилалар;
c) кам таъминланган оилалар;
d) ночор оилалар.

**34. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори энг кам истеъмол бюджети билана оқилона истеъмол бюджети ўртасидаги оилалар ________ деб аталади.**

a) таъминланган оилалар;
b) бой оилалар;
c) кам таъминланган оилалар;
d) ночор оилалар.

**35. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад турмуш кечиришнинг энг кам миқдоридан паст даражада ёки унга тенг бўлган оилалар ____________ деб аталади.**

a) таъминланган оилалар;
b) бой оилалар;
c) кам таъминланган оилалар;
d) камбағал оилалар.

**36. Узоқ ва соғлом турмуш кечириш имкониятидан маҳрумликда неча ёшга етмасдан вафот этган аҳолининг улуши асос сифатида олинади?**

a) 40 ёшга етмасдан вафот этган аҳоли салмоғи;
b) 35 ёшга етмасдан вафот этган аҳоли салмоғи;
c) 30 ёшга етмасдан вафот этган аҳоли салмоғи;
d) 25 ёшга етмасдан вафот этган аҳоли салмоғи.

**37. Аҳолининг турмуш даражасини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичлар тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) аҳолининг жинс ва ёш таркиби;
b) аҳолининг реал даромадлари, иш билан бандлик;
c) аҳолининг касб-малакавий таркиби;
d) ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражаси.

**38. Қайси жавобда жуда тақчил табиий бойликларга эга бўлган бой мамлакатлар келтирилган?**

a) Япония ва Швейцария
b) АҚШ ва Германия;
c) Люксембург ва Финляндия;
d) Россия ва Буюк Британия.

**39. Миллий бойликнинг таркиби тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) ер фонди ва сув ресурслари;
b) миллий мулк ва табиий ресурслар;
c) миллий мулк ва ЯММ;
d) ЯММ ва ЯИМ.

**40. Инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ва умуман жамият эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи миллий даромаднинг бир қисми ....... деб аталади.**

a) миллий даромад;
b) истеъмол фонди;
c) жамғарма фонди;
d) миллий бойлик.

**41. ____________ бу фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш ривожланишини таъминловчи миллий даромаднинг бир қисмидир.**

a) миллий даромад;
b) истеъмол фонди;
c) жамғарма фонди;
d) миллий бойлик.

**42. Капитал тушумларга хос бўлмаган хусусиятни аниқланг.**

a) кутилмаган;
b) номунтазам;
c) мунтазам;
d) уй хўжалиги учун жуда кам такрорланадиган.

**43. Ижтимоий соҳа тармоқлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) саноат, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш;
b) қурилиш, қишлоқ хўжалиги, санъат, молия, саноат, ўрмон хўжалиги;
c) транспорт, алоқа, таълим, туризм, санъат, маданият;
d) таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, коммунал хўжалиги.

**44. Истеъмол бюджетининг зарурий даражаси жамоатчилик фикри ва экспертлари сўрови асосида белгиланадиган усули тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) меъёрий
b) статистик
c) субъектив;
d) заҳиравий.

**45. Истеъмол бюджетининг озиқ-овқатга сарфланадиган харажатларнинг истеъмол меъёрлари бўйича, қолган қисмлар эса статистик йўл билан белгиланадиган усули тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) меъёрий;
b) меъёрий-статистик;
c) субъектив;
d) заҳиравий.

**46. Истеъмол бюджетининг алоҳида товар ва хизматлар ҳамда уларнинг реал қийматлари асосида белгиланадиган усули тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) меъёрий;
b) меъёрий-статистик;
c) субъектив;
d) заҳиравий.

**47. Аҳоли умумий даромадининг таркиби қайси жавобда нотўғри келтирилган?**

a) пул даромадлари;
b) натура шаклидаги даромадлар;
c) доимий асосда, такрорланувчи ҳусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлар;
d) аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати.

**48. Тушумлар “даромад” ҳисобланиши учун қандай мезонларга мувофиқ бўлиши керак?**

a) кутилаётган бўлиши ва мунтазам равишда келиб тушиши керак;
b) уй хўжалигининг жорий иқтисодий фаровонлик даражасига ҳақиқий ҳисса қўшиши керак;
c) уй хўжалиги капиталининг камайиши ҳисобига келиб тушадиган тушум бўлмаслиги керак (масалан: уйни, акцияларни ва шунга ўхшашларни сотиш).
d) барча жавоблар тўғри.

**49. Лотореядаги ютуқлар, ўйинлардан олинган совринлар, суғурта талаблари бўйича мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар, олинган мерослар, пенсияга чиқишда бир марта тўланадиган суммалар, ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта тўловлари ва қарзни қайтариш эвазига олинган суммалар аҳолининг умумий даромадига қўшиладими?**

a) ҳа;
b) капитал тушумларга таалуқли;
c) бир марталик ижтимоий тўловларга таалуқли;
d) доимийи ижтимоий тўловларга таалуқли

**50. Халқаро статистика амалиётига мувофиқ равишда умумий даромадлар қандай таркибий қисмларга бўлинади?**

a) бирламчи ва трансфертлардан олинган даромадлар;
b) номинал ва реал даромадлар;
c) пул ва натура шаклидаги даромадлар;
d) пул ва натура шаклидаги даромадлар ҳамда бепул хизматлар қиймати;

**51. Қуйидагилардан қайси бири меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга кирмайди?**

a) ходимларга ҳисобланган иш ҳақи;
b) рағбатлантириш ҳусусиятига эга бўлган барча тўловлар;
c) компенсация тўловлари ва ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
d) ижтимоий трансфертлар.

**52. Ўзбекистон Республикасида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ҳисоблаш учун Миллий ҳисоблар тизимининг қайси тушунчаси асос бўлиб ҳисобланади?**

a) натурал даромад;
b) аралаш даромад;
c) реал даромад;
d) рента.

**53. Аҳоли истеъмол харажатлари учун мумкин бўлган энг катта миқдорни аниқлаш имконини берадиган даромад турини аниқланг.**

a) номинал даромад;
b) аҳоли ихтиёридаги даромад;
c) реал даромад;
d) пуллик даромад.

**54. Ишлаб чиқаришдан олинган даромаднинг қандай турлари фарқланади?**

a) ёлланма ишчиларнинг даромади ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад;
b) меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромад;
c) мол-мулкдан олинган даромад ва ёлланма ишчиларнинг даромади;
d) трансфертлардан даромад ва меҳнат фаолиятидан олинган даромад.

**55. Меҳнат фаолиятидан олинган даромаднинг қандай турлари мавжуд?**

a) ёлланма ишчиларнинг даромади ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад;
b) меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромад;
c) мол-мулкдан олинган даромад ва ёлланма ишчиларнинг даромади;
d) трансфертлардан даромад ва меҳнат фаолиятидан олинган даромад.

**56. Мол-мулкдан олинган даромад тури нотўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) фоизлар ва рента;
b) дивидендлар;
c) муаллифлик ҳақи;
d) тадбиркорлик.

**57. Трансфертлардан даромаднинг қандай турлари мавжуд?**

a) ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертлар;
b) пенсия, нафақа ва стипендия;
c) моддий ёрдам, муаллифлик ҳақи, нафақа;
d) нафақа, моддий ёрдам, рента.

**58. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида ижтимоий трансфертлар турлари тўғри келтирилган?**

a) ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертлар;
b) пенсия, нафақа ва стипендия;
c) моддий ёрдам, муаллифлик ҳақи, нафақа;
d) нафақа, моддий ёрдам, рента.

**59. _________ – инсоннинг ижтимоий эркинлиги, ҳар томонлама ривожланиш имконияти, ўз иқтидори ва турмуш режаларини амалга ошириш даражасини ифода этувчи ижтимоий тизимлар ва тузилмалардаги мавқеининг мужассам интеграл характеристикасидир.**

a) аҳоли даромади;
b) инсон тараққиётi;
c) турмуш сифати;
d) иш билан бандлик.

**60. _______ – бу ходимларнинг шахсий эҳтиёжларини ташкилот (корхона) доираларидаги фаолият орқали қондириш даражасидир.**

a) ижтимоий ҳаёт сифати;
b) меҳнат ҳаёти сифати;
c) атроф-муҳит сифати;
d) шахсий ҳаёт сифати.

**61. __________ инсониятнинг дунё миқёсидаги ривожланишининг бугунги кундаги йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, оиладаги уйғун муносабатлар ва шахсларнинг ўзаро ҳурматига, уй хўжалигини ва болалар тарбиясини биргаликда олиб боришга, ишдан бўш вақтларни ўтказиш ва ўз шахсини ривожлантириш учун бўш вақтнинг мавжудлигига, қадриятларни ва дунёқарашни шакллантиришга асосланади.**

a) ижтимоий ҳаёт сифати;
b) меҳнат ҳаёти сифати;
c) атроф-муҳит сифати;
d) шахсий ҳаёт сифати.

**62. Қайси жавобда шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар тўғри келтирилган?**

a) бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати;

b) уй хўжалиги аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган маиший хизматлар (овқат тайёрлаш, уйни тозалаш, болаларни парваришлаш ва ш.ў.);

c) уй-жой эгалари томонидан фойдаланилмаётган турар-жой хизматларининг ҳисобланган қиймати;

d) корхона (ташкилот)дан олинган меҳнатга доир даромадлари.

**63. Қуйидаги жавоблардан қайси бири нотўғри. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ҳажмини ҳисоблаш уй хўжаликлари кузатуви асосида, шунингдек, қуйидаги чораклик статистик баҳолашлар орқали амалга оширилади:**

a) жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган (қайта ишланган), ҳамда бозорда сотилган ёки шахсий истеъмол учун сарфланган саноат маҳсулотлари ҳажми;

b) сотиш ҳамда шахсий истеъмол мақсадларида деҳқон хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми;

c) юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар (транспорт, савдо ва шунга ўхшаш) ҳажми;

d) жисмоний шахслар томонидан (яъни, пудратчи сифатида юридик шахсларни жалб қилмаган ҳолда) якка тартибда уй-жой ва нотурар-жой қурилиши ҳажми.

**64. _________ – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонотлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлар.**

a) дивидендлар;

b) фоизлар;

c) рента;

d) иш ҳақи.

**65. Яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари ........... деб аталади?**

a) дивидендлар;

b) фоизлар;

c) рента;

d) муаллифлик ҳақи.

**66. “Рента” тушунчасига тўғри таъриф берилган жавобни аниқланг.**

a) банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонотлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлар;

b) сармоядор (жисмоний шахс) нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

c) яатилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

d) жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

**67. Юридик шахснинг тадбиркор (хусусий корхонанинг мулкий эгаси ёки фермер хўжалигининг раҳбари) ихтиёрига (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг) ўтказилган фойдаси қайси даромад турига киради?**

a) тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад;

b) мол-мулкдан олинган даромадлар;

c) ижтимоий трансфертлар;

d) аралаш даромадлар.

**68. _________ – бу уй хўжаликларига товар, хизмат ёки актив эвазига қопланмасдан товарлар, хизматлар ва активларнинг келиб тушишидир.**

a) трансфертлар;

b) тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад;

c) мол-мулкдан олинган даромадлар;

d) иш ҳақи.

**69. __________ – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловларидир.**

a) нафақалар;

b) стипендиялар;

c) компенсациялар;

d) пенсиялар.

**70. Олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари деб нимага айтилади?**

a) нафақалар;

b) стипендиялар;

c) компенсациялар;

d) пенсиялар.

**71. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида трансфертларнинг “бошқа жорий трансфертлар” тури нотўғри кўрсатилган?**

a) алиментлар;

b) мунтазам молиявий ёрдамлар;

c) болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар;

d) стипендиялар.

**72. Трансфертлардан олинган даромадларни ҳисоблашда пенсионерлар сони ва уларга тайинланган пенсиялар тўғрисидаги маълумотлар қайси ташкилотдан олинади?**

a) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигидан;

b) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан;

c) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан;

d) Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидан.

**73. Мажбурий тўловлар ва бошқа ажратмаларни амалга оширгунга қадар бўлган даромад қандай даромадни ифода этади?**

a) реал;

b) ўз ихтиёридаги;

c) ялпи;

d) трансферт.

**74. Ижтимоий ривожланишга оид сиёсатнинг асосий йўналишлари нотўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) таълимдан тенг баҳраманд бўлишни таъминлаш;

b) кам таъминланган оилаларнинг тиббий хизматдан ҳеч бир монеликсиз баҳраманд бўлишини таъминлаш;

c) энергия манбалари, санитария, тоза ичимлик сувидан тенг баҳраманд бўлишни таъминлаш;

d) саноатни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, хусусий сектор ва хусусий инвестицияларни ривожлантириш.

**75. Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини нечта босқичга ажратиш мумкин?**

a) 3;
b) 4;
c) 5;
d) 6.

**76. Қайси таълимнинг мақсади болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш, соғлом, ривожланган ва озод шахсни шакллантириш, унинг истеъдодини очиш, ўқишга, тизимли таълимга интилишни тарбиялашдан иборат?**

a) умумий ўрта таълим;
b) мактабгача таълим;
c) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
d) олий таълим.

**77. Битирувчига муайян касбни ўргатиш ва умумтаълим фанлар бўйича билим бериш орқали уни меҳнат бозорида ишлашга тайёрлаш қайси таълим турининг мақсади ҳисобланади?**

a) умумий ўрта таълим;
b) мактабгача таълим;
c) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
d) олий таълим.

**78. Меҳнат ҳаёти сифати концепцияси қайси ташкилот томонидан ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида тан олинган?**

a) ЮНЕСКО;
b) БМТ;
c) ХМТ;
d) ЮНИСЕФ.

**79. Ҳаёт давомийлиги, ўлим даражаси, касалликларнинг давом этиш даври ва ҳ.к. лар турмуш сифатининг қайси кўрсаткичида акс этади?**

a) овқатланиш;
b) саломатлик;
c) меҳнат шароити;
d) турар жой шароити.

**80. Турмуш сифатининг объектив кўрсаткичлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) фуқароларнинг мамлакат миқёсидаги турмуш шароитларидан қониқиш даражаси;
b) фуқароларнинг минтақа миқёсидаги турмуш шароитларидан қониқиш даражаси;
c) фуқароларнинг микродаражадаги (ташкилот, корхона, оила) ижтимоий-руҳий ва иқтисодий муносабатларидан қониқиш даражаси;
d) уй-жой билан таъминланганлик даражаси.

**81. Турмуш сифатининг субъектив кўрсаткичлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси ва сифати;

b) фуқароларнинг минтақа миқёсидаги турмуш шароитларидан қониқиш даражаси;

c) фуқароларнинг ташкилот, корхона ва оила ижтимоий-руҳий ва иқтисодий муносабатларидан қониқиш даражаси;

d) уй-жой билан таъминланганлик даражаси.

**82. Аҳолининг турмуш сифатига таъсир этувчи табиий омиллар тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) инсон истиқомат қиладиган муҳит, ҳарорат режими, иқтисодиётнинг ривожланиши учун табиий бойликларнинг мавжудлиги;

b) иқтисодий ўсишни ва истеъмол бозорларининг катта сиғимини таъминлашга имкон берувчи аҳоли сони ва инсон капиталининг сифати;

c) сиёсий барқарорлик, демократик эркинлик, фуқаролар тотувлиги, урушлар бўлмаслигини таъминлаш

d) иқтисодий ўсиш, инсон сармоясини ривожлантириш, ЯИМни кўпайтириш, молиявий бозорларни ривожлантириш ва барча турдаги бойликлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиш.

**83. Инсонлар эҳтиёжларини, улар ҳаётининг мақсадларини, ахлоқий меъёрларини шакллантириш тизими турмуш сифатига таъсир этувчи қайси омил таркибига киради?**

a) ижтимоий;

b) маънавий;

c) ахборот;

d) иқтисодий.

**84. Табиат ва инсонга таъсир қилувчи илмий билимлар тизими ўз ифодасини топадиган меҳнат воситаларини яратишни таъминловчи технологияларни ривожлантириш даражаси тизими турмуш сифатига таъсир этувчи қайси омил таркибига киради?**

a) технологик;

b) маънавий;

c) ахборот;

d) иқтисодий.

**85. Инсон капиталини ривожлантириш, ЯИМни кўпайтириш ва барча турдаги моддий бойликлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиш турмуш сифатига таъсир этувчи қайси омил таркибига киради?**

a) технологик;

b) маънавий;

c) ижтимоий;

d) иқтисодий.

**86. Демократик эркинлик, фуқаролар тотувлиги, урушлар бўлмаслигини таъминлаш турмуш сифатига таъсир этувчи қайси омил таркибига киради?**

a) сиёсий;

b) маънавий;

c) ижтимоий;

d) иқтисодий.

**87. ______________ – бу пул шаклида ифодаланган аҳоли (унинг турли қатламлари ва гуруҳлари) томонидан истеъмол қилинадиган меъёрлар ёки амалда истеъмол қилиниши зарур бўлган моддий неъмат ва хизматлар миқдоридир.**

a) турмуш тарзи;

b) аҳоли даромадлари;

c) турмуш қиймати;

d) ижтимоий меъёрлар.

**88. Турмуш қиймати индексини фанга қачон ва ким томонидан киритилган?**

a) 1918 йилда, С.Г.Струмилин;
b) 1897 йилда, А.Смит;
c) 1939 йилда, Альфред Маршалл;
d) 1904 йилда, Жон Стюарт Милль.

**89. Турмуш қийматидаги ҳудудий фарқликлар қандай омиллар билан белгиланади?**

a) ҳар хил иқтисодий ва табиий-иқлим шароитлар билан боғлиқ эҳтиёжлардаги фарқларнинг мавжуд бўлмаслиги;
b) алоҳида туманлар бўйича ижтимоий инфратузилмалари ривожланишининг турли даражаси;
c) хизматларнинг пуллик турларига бўлган тарифлардаги сезиларли фарқликлар;
d) шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш учун шароитлардаги фарқликлар.

**90. Ижтимоий фаровонлик бўйича Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган кўрсаткичлар тўғри келтирилган жавобни аниқланг.**

a) асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг юқорилиги, аграр секторнинг барча тармоқларида улкан натижалар қўлга киритилганлиги;
b) ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар улушининг кўплиги;
c) оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси
d) ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш даражаси, реал даромадларнинг мунтазам ўсиш суръати, ишбилармонлик муҳити учун қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги

**91. Инсон капитали деганда нима тушунилади?**

a) реал секторга киритилган инвестициялар ҳисобидан яратилган иш жойларнинг жами сони;
b) иқтисодиётда чет эл капитали орқали янгиддан яратилган янги иш жойларининг жами суммаси;
c) саноат соҳасига жалб қилинган капитал маблағлар ҳисобига яратилган корхоналарнинг жисмоний қиймати;
d) инвестициялар натижасида шаклланган билимлар, кўникмалар ва малакалар заҳирасидан иборат бўлиб, шахснинг жисмоний, ақлий ва психологик сифатлари ҳамда қобилиятлари

**92. Иш ҳақининг ставкаси нимани белгилаб беради?**

a) ягона меҳнат шароитида мақсадга йўналтирилган меҳнат мазмунидаги ишловчиларнинг маънавий рағбат қисмини билдиради;
b) якка тартибдаги фаолият кўрсатадиган шахсларнинг ойлик маоши миқдорини билдиради;
c) иш ҳақининг ставкаси шартномада белгилаб қўйилади ва муайян вақт бирлиги ичида бажариладиган ва муайян касб-малака хусусиятларига эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилаб беради;
d) реал иш ҳақи миқдорини ошириш фикрдаги инсонлар бирлашмасини билдиради.

**93. Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари – бу___________**

a) бухгалтерия ва молия бўлими ҳисоблаб чиққан ойлик маош;
b) кадрлар ва иш ҳақи бўлими томонидан ҳисобланган иш ҳақи миқдори;
c) ишлаб чиқариш ва сотиш бўлимида таъсис этилган иш ҳақи турлари;
d) меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизми

**94. Жон бошига тўғри келувчи аҳоли даромадлари қандай аниқланади?**

a) жами даромад оила аъзолари сонига бўлинади;

b) ялпи ички маҳсулот республика фуқаролари сонига бўлинади;
c) аҳоли даромадлари жами аҳоли сонига бўлинади;
d) аҳоли даромадлари оилалар сонига бўлинади.

**95. БМТнинг Мингйиллик ривожланишининг биринчи мақсади қайси жавобда тўғри келтирилган.**

a) аҳоли ўртасида кам таъминланганлик ва тўйиб овқатланмасликни камайтириш
b) бошланғич ва ўрта таълим сифатини ошириш
c) аёллар ва эркакларнинг тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш
d) болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, турли юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш

**96. БМТнинг Мингйиллик ривожланишининг иккинчи мақсади қайси жавобда тўғри келтирилган.**

a) аҳоли ўртасида кам таъминланганлик ва тўйиб овқатланмасликни камайтириш.
b) бошланғич ва ўрта таълим сифатини ошириш
c) аёллар ва эркакларнинг тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш
d) болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, турли юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш

**97. Истеъмол бюджети ва аҳоли турмуш даражасини прогнозлаштириш масалалари билан қайси ташкилот шуғулланади?**

a) Меҳнат вазирлиги
b) Иқтисодиёт вазирлиги
c) Соғлиқни сақлаш вазирлиги
d) Молия вазирлиги

**98. Қайси жавобда инсоннинг имкониятларини кенгайтириб, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантирадиган кўрсаткич келтирилган?**

a) жисмоний ҳолат
b) тадбиркорлик қобилияти
c) таълим ва маълумот даражаси
d) маънавий етуклик.

**99. Ҳар бир инсон тўла-тўкис ҳаёт кечириш ва ўзи танлаган меҳнат фаолияти соҳасида ишлай олиши учун муайян ............... даражасига эга бўлиши керак.**

a) таълим ва маълумот
b) соғлиқ ва жисмоний ривожланиш
c) ҳаётий тажриба ва кўникма
d) одоб-аҳлоқ ва хулқ-атвор

**100. ________ – бу ходимнинг яратувчанлик ва янгиликка интилиб ишлашини англатувчи кўрсаткичдир.**

a) жисмоний ҳолат
b) тадбиркорлик қобилияти
c) таълим ва маълумот даражаси
d) маънавий етуклик.

# VII. ГЛОССАРИЙ

| Инглизча | Ўзбекча | Русча |
|---|---|---|
| **Agency** — what a person is free to do and achieve in pursuit of whatever goals or values he or she regards as important. | **Фаоллик** — бу шахснинг ўз олдига қўйиган ҳар қандай мақсад ёки қадриятларга эришишдаги саъй-ҳаракатлар эркинлигидир. | **Агентность** — это свобода выбора действий личности для достижения поставленных перед собой целей или ценностей, имеющих для него разную степень важности. |
| **Access to health care** — percentage of the population that can reach appropriate local health facility on foot or by local means of transport within an hour. | **Соғлиқни сақлаш муассасаларидан фойдаланиш имконияти** — бир соат давомида маҳаллий транспорт воситаси ёрдамида ёки яёв ҳолда маҳаллий тиббиёт муассасига етиш имкониятига эга бўлган аҳолининг фоиздаги улушидир. | **Доступность медицинской помощи** — это процент населения, имеющего доступ к местному медицинскому учреждению, которого можно достичь в течение одного часа с помощью местного транспортного средства или пешком. |
| **Basic needs** — goods and services produced by the public sector (health, education, and in some countries, and housing), and the products are usually purchased from private income (food and clothing). | **Асосий эҳтиёжлар** — бу давлат сектори (соғлиқни сақлаш, таълим, баъзи давлатларда уй-жой сотиб олишга кетган харажат) томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳамда шахсий даромад ҳисобига сотиб олинган маҳсулотлар (озиқ-овқат ва кийим-кечак) мажмуидир. | **Базовые потребности** — это совокупность товаров и услуг, произведенных государственным сектором (здравоохранение, образование, в некоторых странах расходы на покупку жилища) и продуктов, приобретенных за счет частных доходов (еда и одежда). |
| **Birthweight, infants with low** — the percentage of infants with a birthweight of less than 2,500 grams. | **Вазни кам бўлган чақалоқлар** — бу вазни 2,5 килограммдан кам бўлган чақалоқларнинг фоизлардаги улушидир. | **Новорожденные с пониженной массой тела** — это процентная доля новорожденных с массой тела менее 2,5 кг. |
| **Capability** — capability represents the various combinations of functionings (beings and doings) that the person can achieve. Another definition of capabilities: "the substantive freedoms he or she enjoys to lead the kind of life he or she has reason to value." | **Қобилият** — бу инсон амалга оширган ёки ошириши мумкин бўлган барча фаолият турларининг тўпламидир. Қобилиятнинг яна бир таърифи қуйидагича: «Инсон ўзи қадрлайдиган ҳаёт тарзини таъминловчи эркинликдир». | **Способность** — совокупность всех видов деятельности человека, которые он может совершить или совершил. Способность также определяется как «свобода, которая обеспечивает такой образ жизни, который ценен для каждого человека». |
| **Children reaching grade 5** — the percentage of children starting primary school who eventually attain grade 5. The estimates are based on the reconstructed cohort student flow method, which uses data on enrolment and repeaters for two consecutive school years in order to estimate the survival rates to successive grades of primary school. | **5-синфгача ўқишга етиб келган болалар** — бу бошланғич мактабда ўқишни бошлаган ва 5-синфга ўтган болалар фоизидир. Баҳолари қайта тикланган когорт услуби асосида олинган бўлиб, мазкур усул доирасида бошланғич мактабни муваффақиятли тамомлаганлар орасида ўқишни давом эттираётган болалар фоизини аниқлаш учун қаторасига икки йил давомида мактабга қабул қилинганлар ва бир синфда иккинчи йил қолиб ўқиётганлар тўғрисидаги маълумотлардан ҳам фойдаланилган. | **Дети, достигшие 5-го класса** — процент детей, начавших обучение в начальной школе и перешедших в 5-ый класс. Оценки получены на основании реконструированного метода когорт, в рамках которого использованы данные о наборе в школу и учениках-второгодниках в течение двух лет подряд, с тем, чтобы определить процент продолжающих обучение, среди успешно закончивших начальную школу. |

| | | |
|---|---|---|
| **Civilization** — broad term characterizing particularities and levels of development in a society. It includes culture, religion, and the character of social and economic relations. Accordingly, civilizations differs by applied means of existence, way of thinking, faith, way of life, type of social and state governance, ownership relations, and social stratification. | **Цивилизация** — жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи ва ривожланиш даражасини ифодаловчи бу тушунча маданият, дин ва ижтимоий ҳамда иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Шунга кўра, цивилизациялар бир-биридан яшаш учун қўлланилаётган зарур воситалари, дунёқараш ва диний эътиқодлари, ҳаёт тарзи, ижтимоий ва давлат бошқаруви тури, мулкчилик муносабатлари, ижтимоий табақаланиш каби хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қиладилар. | **Цивилизация** — данное понятие характеризует особенности и уровень развития общества. Вбирает в себя культуру, религию, характер общественных и экономических отношений. Соответственно, цивилизации различаются по Соответственно, цивилизации различаются по используемым средствам существования, мировоззрению и верованиям, образу жизни, типу общественного и государственного управления, отношениям собственности, социального расслоения и т.д. |
| **Climate change** — is a significant and lasting change in the statistical distribution of weather patterns over periods ranging from decades to millions of years. It may be a change in average weather conditions or the distribution of events around that average. | **Иқлим ўзгариши** — бу маълум вақт давомида Ер юзасида ёки маълум бир минтақада ўн йилликдан миллион йилларгача бўлган даврдаги об-ҳавонинг кўп йиллик статистик ишончли катталикларидан четга чиқишини англатадиган Ер иқлимининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган жараёнга айтилади. Бу ўзгариш об-ҳаво шарт-шароитларининг ўртачасининг ёки бу ўртачани атрофидаги ҳодисаларнинг ўзгаришларидан ҳам иборат бўлиши мумкин. | **Изменение климата** — это колебания климата Земли в целом или в отдельных её регионах с течением времени, выражающиеся в статистически достоверных отклонениях параметров погоды от многолетних значений за период времени от десятилетий до миллионов лет. Данное изменение может быть при изменении среднего показателя условий погоды или случайно расположенных рядом с ним. |
| **Coefficients of funds** — is the excess of 10% income of the population with the highest incomes, and 10% of the population with the lowest incomes. This index is the ratio of average incomes in the upper-and lower deciles. | **Фондлар коэффициенти** — бу коэффициент аҳолининг энг бой 10% даромадларининг энг камбағал аҳолининг 10% даромадларига нисбатидир. Бу кўрсаткич юқори (энг бой 10% аҳоли) ва қуйи (энг камбағал 10% аҳоли) чегараларнинг децилларидаги даромадларининг ўртача қийматларини акс эттиради. | **Коэффициенты фондов** — это превышение доходов 10% населения, имеющего самые высокие доходы над 10% населения, имеющего самые низкие доходы. Данный показатель представляет собой соотношение средних значений доходов в границах верхних (10% самого богатого населения) и нижних (10% самого бедного населения) децилей. |
| **Composite index** — a unit-less number that combines various statistical indicators to convey a larger picture. A composite index is formed when individual indicators are compiled into a single index on the basis of some underlying model. A composite index can measure a multidimensional concept that cannot be captured by a single indicator alone—such as poverty, competitiveness, sustainability, market integration, etc. | **Жамлама индекс** — ушбу катталик, вазиятни умумий ҳолатда тавсифловчи турли статистик кўрсаткичларни ўзида жамлаган интеграл индексдир. Бу жамлама индекс бўлиб, унинг негизида ётган моделнинг асосида алоҳида кўрсаткичларни ягона индексга бирлаштириш натижасида шакллантирилади. Жамлама индекс ёрдамида битта кўрсаткич билан акс эттириш мумкин бўлмаган турли хил бирликка эга бўлган миқдорларни ўлчаш мумкин, масалан, камбағаллик, рақобатбардошлик, | **Сводный индекс** — это интегральный индекс, объединяющий в себя статистические показатели, дающие описание ситуации в целом. Сводный индекс формируется в результате объединения отдельных показателей в единый индекс на базе модели, которая является его основой. Сводный индекс может измерить многомерную величину, которую невозможно отразить одним показателем — например, бедность, конкурентоспособность, |

| | | |
|---|---|---|
| | барқарорлик, бозорга интеграция ва ҳ.к. | устойчивость, интеграцию в рынок и т.п. |
| **Consumer price index** — the average price of a basket of goods and services purchased by households; the basket varies by country and may be fixed or may change at specified intervals. Changes in the consumer price index indicate the change in the real value (purchasing power) of money. | **Истеъмол нархлари индекси** — бу харидор томонидан сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар «саватчаси»нинг ўртача баҳоси бўлиб, «саватча»нинг ҳажми мамлакатдан мамлакатга ўтган сари ўзгариши, доимий бўлиши ҳамда муайян вақт оралиғида ўзгариб бориши мумкин. Истеъмол нархлари индексининг ўзгариши пулнинг ҳақиқий қийматини, яъни унинг харид қилиш қобилиятидаги ўзгаришларни акс эттиради. | **Индекс потребительских цен** — средняя цена корзины товаров и услуг, приобретаемых домохозяйствами; размер корзины варьируется от страны к стране и может быть постоянным или изменяться в определенные промежутки времени. Изменение индекса потребительских цен отражает изменение реальной стоимости (покупательной способности) денег. |
| **Contraceptive prevalence rate** — the percentage of women of reproductive age (15 - 49 years) who are using, or whose partners are using, any form of contraception, whether modern or traditional. | **Контрацептивларнинг тарқалганлик даражаси** — бу аёл ўзи ёки турмуш ўртоғи замонавий ёки анъанавий контрацептив воситалардан фойдаланаётган репродуктив (15—49) ёшдаги аёллар улушидир. | **Распространенность контрацептивов** — это процент женщин репродуктивного возраста (15-49 лет), которые сами либо их партнеры используют современные или традиционные формы контрацепции. |
| **Convergence** — is gradual reducing of differences in the same indicators between the countries. | **Конвергенция** — деб бирор-бир аниқ кўрсаткичлар бўйича давлатлар ўртасидаги фарқнинг тадрижий камайиб бориш жараёнига айтилади. | **Конвергенция** — это процесс постепенного сужения разрыва между странами по какому-либо конкретному показателю. |
| **Debt service, total** — the sum of principal repayments and interest actually paid in foreign currency, goods or services on long-term debt (having a maturity of more than one year), interest paid on short-term debt and repayments to the International Monetary Fund. | **Қарз тўловлари, умумий ҳажми** — узоқ муддатли (муддати бир йилдан ортиқ бўлган) қарздорлик бўйича тўланадиган асосий тўловлар ва фоиз тўловларнинг чет эл валютасидаги ёки товарлар ва хизматлар кўринишида амалга оширилган тўловлари ҳамда Халқаро Валюта Фондига тўланадиган қисқа муддатли қарздорлик бўйича тўловлар йиғиндисидир. | **Обслуживание долга, общая сумма** — фактическая сумма основных выплат и процентов в иностранной валюте или в виде товаров и услуг по долгосрочной задолженности (со сроками погашения более одного года), а также проценты по краткосрочной задолженности и выплаты МВФ. |
| **Decile ratios of income differentiation** — ratio between the minimum income 10% of the wealthiest and highest-income families the most low income or people. | **Даромадлар тақсимотининг децил коэффициентлари** — деб энг бой оилаларнинг ёки одамларнинг 10% га тўғри келган минимал даромадларини энг камбағал оилаларнинг ёки одамларнинг 10% га тўғри келган максимал даромадларига нисбатига айтилади. | **Децильные коэффициенты дифференциации доходов** — это соотношение между минимальным доходом 10% самых обеспеченных и максимальным доходом самых низкообеспеченных семей или людей. |
| **Degradation** — is a quantitative or qualitative deviation of something from its former state. The term is applicable to the components of the ecosystem (eg. D. of forest, D. of animal population of some areas), water bodies (eg, D. of Aral Sea), | **Деградация** — бу бирор-бир нарса ёки ҳолатнинг сон ва сифат жиҳатдан олдинги ҳолатига нисбатан ёмонлашувидир. Яъни берилган атама экотизимларнинг таркибий қисмларига нисбатан (масалан, ўрмонлар деградацияси, бирор жой ҳайвонот дунёсининг | **Деградация** — количественное или качественное отступление чего-то от его бывшего состояния. Термин применим к компонентам экосистемы (например, деградация лесов, деградация животного мира какой-то местности), водных объектов |

| | | |
|---|---|---|
| population, etc. For example, soil degradation means the decline of soil fertility due to the destruction of its structure, erosion, waterlogging, salinity and other factors, causing the deterioration of soil conditions and slowing of vital protcesses occurring in edasfere. | деградацияси), шунингдек, сув объектларига (масалан, Орол денгизи деградацияси), миллат ва элатларга ҳамда ривожланиш тушунчасига тескари тушунчаси—антитеза -сифатида қўлланилади. Масалан, тупроқ деградацияси деганда тупроқ таркибининг бузилиши, эрозияга учраши, ботқоқланиши, шўрланиши ва бошқа сабабларга кўра унинг ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги пасайиши тушунилади. | (например, деградация Аральского моря), народонаселения и т.д. Например, под деградацией почвы подразумевается снижение плодородия почвы, вызванное разрушением её структуры, эрозией, заболачиванием, засолением и других причин, приведших к ухудшению почвенных условий и замедлению жизненно важных процессов, протекающих в экосфере. |
| **Demography** — science that studies the patterns of its population and development in the socio-historical implications; description of statistical data on age and sex composition of the population of the Earth, its regions and sectors. Demography is important in predicting population growth and its planning. | **Демография** — бу аҳолининг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар таъсирида ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фан бўлиб, ер юзида, унинг турли хил ҳудудлари ва соҳаларидаги аҳолининг ёш ва жинсий таркиби тўғрисидаги статистик маълумотларни ҳам таърифлайди. Демография аҳоли сонининг келажакда ўсиш даражасини башорат қилишда ва уни режалаштиришда катта аҳамиятга эгадир. | **Демография** — наука, изучающая население и закономерности его развития в общественно - исторической обусловленности; описание статистических данных о половозрастном составе народонаселения Земли, её отдельных регионов и участков. Демография играет большое значение в прогнозировании роста населения и его планировании. |
| **Demographic policy** — a reasonable activity of state bodies and other social institutions in regulating the processes of reproduction. Demographic policy includes measures to control human reproduction, the attainment of its best of quantitative and qualitative characteristics, which in turn means a reproduction of a healthy generation. | **Демографик сиёсат** — бу давлат органлари ва уларнинг ижтимоий институтларининг аҳоли кўпайиши жараёнини тартибга солиш соҳасидаги мақсадли йўналтирилган фаолиятидир. Демографик сиёсат, ўз навбатида, аҳоли сонининг ўзгаришини бошқариш, унинг миқдорий ва сифат жиҳатларининг мақбуллилигига эришишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, келажакда соғлом авлодни таъминлаш гарови деб ҳисобланади. | **Демографическая политика** — это целенаправленная деятельность государственных органов и иных социальных институтов в сфере регулирования процессов воспроизводства населения. Демографическая политика предусматривает совокупность мер, которые направлены на регулирование воспроизводства населения, достижение его оптимальных количественных и качественных характеристик, что, в свою очередь является гарантом воспроизводства здорового поколения. |
| **Dependency ratio** — ratio of the population ages 0-14 and ages 65 and older to the working - age population (ages 15-64), expressed as dependants per 100 people ages 15-64. | **Қарамоқда бўлиш коэффициенти** — бу 15—64 ёш орасидаги ҳар 100 та одамга тўғри келувчи боқимандалар (0—14 ёшдаги ҳамда 65 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли) сонидир. | **Коэффициент иждивенчества** — данный коэффициент отражает соотношение населения в возрасте 0-14 лет и старше 65 лет к населению в трудоспособном возрасте (15-64 лет), выраженный в численности иждивенцев на 100 человек в возрасте 15-64 лет. |
| **Depopulation** — is the reduction of population over time in a region's census | **Депопуляция** — бу муайян ҳудуд ичида аҳоли сонининг камайиши жараёнидир. | **Депопуляция** — это процесс уменьшения численности населения на определенной территории. |
| **Deprivation** — loss of economic fundamentals (food, shelter, etc.), social (health, education, etc.) and other benefits. | **Депривация** — бу иқтисодий (озиқ-овқат, турар жой, ва ҳ.к.), ижтимоий (соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳ.к.) ва бошқа ҳаёт учун муҳим бўлган бошланғич | **Депривация** — это лишение базовых экономических (питание, жилище, кров и др.), социальных (здравоохранение, образование и др.) и других жизненно |

| | | |
|---|---|---|
| | неъматлардан маҳрум бўлишдир. | необходимых первичных благ. |
| **Desertification** — transformation of arid and semi-arid land into desert, generally due to overgrazing, deforestation, poor irrigation and tilling practices, climate change, or a combination of these factors. | **Чўлланиш** — бу қурғоқ ва ярим қурғоқ ерларнинг одатда чорвачиликнинг ривожланиши ўрмонларнинг чопилиши, ер деградацияси, иқлимнинг ўзгариши ёки бошка омиллар натижасида чўлга айланишидир. | **Опустынивание** — это преобразование засушливых и полузасушливых земель в пустыню, как правило, из-за чрезмерного выпаса скота, вырубки лесов, плохого орошения и вспашки, изменения климата или комбинации этих факторов. |
| **Determinants of health** — the range of personal, social, economic and environmental factors which determine the health status of individuals or populations. | **Саломатлик детерминантлари** — бу алоҳида инсонлар ёки аҳоли гуруҳларининг саломатлигини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларнинг мажмуидир. | **Детерминанты здоровья** — комплекс индивидуальных, социальных, экономических и экологических факторов, определяющих состояние здоровья отдельных людей либо групп населения. |
| **Development** — as a social-economic category, along with income and production growth, is the process of reorganization and reorientation of the whole economic and social systems, of qualitative changes in institutional, social and administrative structures, as well as in social conscience, traditions and stereotypes. | **Тараққиёт** — бу тушунча ижтимоий-иқтисодий категория сифатида, даромадлар ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бир қаторда, жамиятнинг онги ва анъаналаридаги, институционал, ижтимоий ва маъмурий тузилмаларидаги сифат ўзгаришларини амалга оширишга қаратилган жараёндир. | **Развитие** — как социально-экономическая категория - это процесс реорганизации и переориентации всей экономической и социальной системы, включающий наряду с ростом доходов и производства качественные изменения в институциональной, социальной и административной структурах, равно как и в общественном сознании, традициях и стереотипах |
| **Disaggregation** — a process of calculating indicators for different geographic subregions, ethnic groups and minorities, genders and income classes, among other classifications, whereby potential areas of inequality can be highlighted. | **Қисмларга бўлиб ўрганиш** — бу турли хил гуруҳлар бўйича ҳудудлар, этник гуруҳлар, гендер, даромад даражаси ва бошқа индикаторлар ёрдамида аҳоли синфларининг фарқли кўрсаткичларини ҳисоблаш жараёнидир. Шу орқали, масалан, тенгсизлик юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш мумкин. | **Разукрупнение** — процесс расчёта показателей с выделением по различным группам, в частности, отдельно по территориям, этническим группам, гендеру, уровню дохода или по другим критериям, например с целью определения потенциальных зон неравенства. |
| **Discrimination** — different treatment of others based solely on their membership in a socially distinct group or category, such as race, ethnicity, sex, religion, age, or disability. Discrimination against women means any distinction, exclusion or restriction made on the basis of sex which has the effect or purpose of impairing or nullifying the recognition, enjoyment or exercise by women irrespective of their marital status, on a basis of equality of men and women, of human rights and fundamental freedoms in the political, economic, social, cultural, civil or any other field. Direct discrimination occurs when a person is treated less favourably than another in a comparable situation for a clear (although often unacknowledged) reason, e.g. their sex. Indirect discrimination occurs when one group of people (e.g. women or men) cannot fully enjoy or benefit from an apparently neutral law, policy or other | **Дискриминация** — бу ўзгаларга нисбатан бўлган, фақат уларнинг бирор ирқ, этник таркиб, жинс, дин, ёш ёки ногиронлик каби алоҳида олинган ижтимоий гуруҳга ёки категорияга тегишлилигига асосланган, турлича муносабатдир. Аёлларга нисбатан дискриминация эркаклар ва аёллар тенглиги, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва бошқа соҳадаги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари асосида, уларнинг оилавий шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг тан олинишини заифлаштириш ёки инкор этиш шаклидаги мақсадга ёки таъсирга эга бўлган, жинс асосидаги ҳар қандай тафовут, айириш ва чекловни англатади. Бевосита дискриминация айнан бир хил вазиятда бир одамга нисбатан бошқа одамга қараганда (гарчи, кўпинча, бу ҳолат тан олинмасада) бирор-бир | **Дискриминация** — различное отношение к другим, основанное на их принадлежности к отдельной социальной группе или категории, таких как раса, этническая принадлежность, пол, религия, возраст или инвалидность или другое увечье. Дискриминация по отношению к женщинам означает любое различие, исключение или ограничение по признаку пола, которое имеет своей целью или умаление или отрицание признания или пользования правами вне зависимости от их семейного положения, на основе равенства между мужчинами и женщинами, прав человека и основополагающих свобод в политической, экономической, социальной, культурной, |

| | | |
|---|---|---|
| opportunity because of norms, traditions, stereotypes or pervasive social roles that differently position that group of people in relation to the law, policy or opportunity in question. | жиддий сабабларсиз, масалан, жинсий тафовутларга кўра, тенгсизликка асосланган муносабатдир. Билвосита дискриминация бу қонунчилик ва сиёсатда тақдим этилаётган имкониятлардан маълум бир сабабларга кўра тўлиқ фойдалана олмаслик ҳолатидир. | гражданской или любой другой сфере. Прямая дискриминация имеет место, когда к человеку относятся менее благосклонно, чем к другим в аналогичной ситуации |
| **Distance learning** — a student works and studies at the same time, and the educational institution is located in a different place. Distance learning is based on using modern information technologies and telecommunication facilities. | **Масофавий таълим** — бу асосий ишдан узилмаган ҳолда таълим муассасасидан масофада таълим ва касб-ҳунар дастурларини ўзлаштиришдир. Масофавий таълим замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдалинишга асосланади. | **Дистанционное образование** — это освоение образовательных и профессиональных программ без отрыва от основной деятельности на расстоянии от места расположения образовательного учреждения. Дистанционное образование базируется на использовании современных информационных технологий и технических средств телекоммуникаций. |
| **Depletion of natural resources** — is a mismatch between available natural resources and the needs of the country, region, enterprices. | **Табиий ресурсларнинг камайиб бориши** — бу табиий ресурсларнинг фойдаланиш мумкин бўлган захираларини давлат, худуд ёки корхона талабларига номутаносиблигидир. | **Истощение природных ресурсов** — несоответствие между доступными запасами природных ресурсов и потребностями страны, региона, предприятия. |
| **Ecological health indicators** — environment state, for example quality of water, air and the earth, pollution level et al. | **Саломатликнинг экологик кўрсаткичлари** — бу атроф-муҳит (масалан, сув, ҳаво ва ернинг сифатини, ифлосланиш даражасини ва ҳ.к.) ҳолатининг акс эттирилишидир. | **Экологические индикаторы здоровья** — это отражение состояния окружающей среды, например, качество воды, воздуха и земли, уровень загрязнения и др. |
| **Economic development of society** — is a multidimensional process, covering economic growth, structural changes in economy, improvement of conditions and quality of life. | **Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши** — бу иқтисодий ўсиш, иқтисодиётдаги ижобий тузилмавий ўзгаришлар ҳамда аҳолининг турмуш шароитларини ва яшаш сифатининг ошишини қамраб олган кўп қиррали жараёндир. | **Экономическое развитие общества** — это многомерный процесс, охватывающий экономический рост, структурные сдвиги в экономике, совершенствование условий и качества жизни населения. |
| **Education expenditure, public** — includes both capital expenditures (spending on construction, renovation, major repairs and purchases of heavy equipment or vehicles) and current expenditures. | **Таълим харажатлари, давлат харажатлари** — бу капитал харажатлар (қурилиш, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда оғир ускуна ва автотранспорт сотиб олиш харажатлари) ва жорий харажатлар йиғиндисидир. | **Расходы на образование, государственные** — капитальные расходы (расходы на строительство, реконструкцию, капитальный ремонт и покупку тяжелого оборудования и автотранспорта) плюс текущие расходы в сфере образования |
| **Education index** — one of the three indices on which the human development index is based. During 1990-2009 it was based on the adult literacy rate and the combined gross enrolment ratio for primary, secondary and tertiary schools. Since 2010 Education index is measured by Mean of years of schooling and Expected years of schooling. | **Таълим индекси** — инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш учун ишлатиладиган учта индекснинг биридир. 1990—2009 йилгача катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси, бошланғич, ўрта ва олий ўқув юртлари ўқувчиларининг умумий контингенти кўрсаткичларига асосланган эди. 2010 йилдан бошлаб таълим олиш индекси — таълим олишнинг ўртача давомийлиги кўрсаткичи ва | **Индекс образования** — один из трех индексов, с помощью которых строится индекс человеческого развития. В период с 1990-2009 года определялся на основе уровня грамотности взрослого населения и показателя общего контингента учащихся в начальных, средних и высших учебных заведениях. С 2010 года индекс образования рассчитывается с помощью показателей средней |

| | | |
|---|---|---|
| | таълим олишнинг кутилаётган давомийлиги кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. | продолжительности обучения и показателя ожидаемой продолжительности обучения |
| **Enrolment rate, net** — the number of pupils of the theoretical school-age group for a given level of education level who are enrolled in that level, expressed as a percentage of the total population in that age | **Ўқув юртларига кирганлар кўрсаткичи, соф кўрсаткич** — бу таълим босқичининг мантиқий назарий ёш гуруҳига мос келадиган, мазкур босқичда таълим олаётган аҳоли сонидир. Ушбу ёш гуруҳи аҳолининг жами сонига нисбатан фоизида ифодаланади. | **Показатель поступивших в учебные заведения, чистый** — численность населения, соответствующего теоретической возрастной группе данного уровня образования, получающего образование этого уровня. Выражается в процентном отношении к общей численности населения в этой возрастной группе. |
| **Enrolment ratio, gross** — total enrolment in a given level of education, regardless of age, expressed as a percentage of the official schoolage population for the same level of education. | **Таълим билан қамраб олинган аҳоли улуши** — ёшидан қатъи назар, берилган таълим даражаси билан қамраб олинганлилик кўрсаткичидир. Ушбу кўрсаткич таълим билан қамраб олинган расмий мактаб ёшида бўлган аҳолининг фоизлардаги улушини акс эттиради. | **Коэффициент охвата населения образованием** — валовой охват для данного уровня образования, независимо от возраста, выражен как процентная доля населения в официально установленном школьном возрасте для этого уровня образования. |
| **Expected years of schooling** — number of years of schooling that a child of school entrance age can expect to receive if prevailing patterns of age — specific enrolment rates were to stay the same throughout the child's life. | **Таълим олишнинг кутилаётган давомийлиги** — бу таълим қамрови даражаси бўлиб, агар боланинг бутун умри давомида, ушбу қамров ўзгармас бўлиб қолса, мактаб ёшидаги бола кутаётган таълим олиш йилларининг давомийлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. | **Ожидаемая продолжительность образования** — показатель отражает количество лет образования, которое может получить ребенок школьного возраста, если уровень охвата обучением останется таким же в течение жизни ребенка. |
| **Family** — the UN General Assembly in its resolution 44/82 of 8 December 1989, proclaimed 1994 as the International Year of the Family (IYF) with its theme of "Family: resources and responsibilities in a changing world." No attempt was made by the United Nations to define or delineate the "ideal family" or to direct "family policy" to specific goals. The concept of the family may differ in some respects from State to State, and even from region to region within a State, and that it is therefore not possible to give the concept a standard definition. | **Оила** — Бирлашган Миллатлар Ассамблеясининг 1989 йил 8 декабрдаги 44/82 сонли резолюциясида 1994 йил «Дунёнинг ўзгаришида оила бу ресурслар ва масъулиятлар» шиори остида Халқаро Оила йили деб эълон қилинди. БМТ «идеал оила» тушунчасини маълум бир қолипга солиш ёки «оила ахлоқи»ни аниқ бир вазифалар сари йўналтиришни мақсад қилиб қўймади. Оила концепцияси баъзи жиҳатлари билан давлатдан давлатга ва ҳаттоки давлат ичидаги бир минтақадан иккинчи минтақагача ўтиб борган сари фарқланиб боради, шу боис, оила тушунчасига универсал ягона бир таъриф бериб бўлмайди. | **Семья** — Ассамблея Объединенных Наций в резолюции 44/82 от 8 декабря 1989 года провозгласила 1994 год Международным Годом Семьи под лозунгом: "Семья: Ресурсы и Ответственность в меняющемся мире". ООН не пыталась определить или обрисовать "идеальную семью" или направить линию "поведения семьи" к определенным задачам. Концепция семьи может отличаться в некоторых аспектах от государства к государству и даже от региона к региону внутри государства и поэтому невозможно дать стандартное универсальное определение семьи. |
| **Family planning** — implies the ability of individuals and couples to anticipate and attain their desired number of children and the spacing and timing of their births. FP is achieved through contraception capable of preventing pregnancy and through the treatment of involuntary infertility. | **Оила қуришни режалаштириш** — бу шундай хатти-ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланадики, унда баъзи бир шахсларга ёки эр-хотинларга ёрдам бериш орқали қуйидаги натижаларгаэришиш тушунилади: а) исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш; б) орзиқиб кутилаётган болани | **Планирование семьи** — те виды деятельности, которые имеют целью помочь отдельным лицам или супружеским парам достичь определенных результатов: а) избежать нежелательной беременности; б) произвести на свет желанных детей; в) регулировать интервал между |

| | | |
|---|---|---|
| | дунёга келтириш; в) ҳомиладорликлар орасидаги оралиқ муддатни назорат қилиш; г) ота-оналарнинг ёшидан келиб чиққан ҳолда фарзанд кўриш вақтини танлашни назорат қилиш ва оиладаги фарзандлар сонини белгилаш. | беременностями; г) контролировать выбор времени деторождения в зависимости от возраста родителей и определять количество детей в семье. |
| **Fertility** — a woman's reproductive ability, ie the ability of women to bear children in the physiological period, called the fertile age. In demographic statistics taken from the fertile age 15 to 49 years. | **Фертиллилик** — бу аёлларнинг репродуктив хусусияти бўлиб, фертил ёшидаги физиологик даврда аёлларнинг фарзанд кўриш қобилиятини ифодалайди. Демографик статистикада бола кўриш ёши (фертиллилик даври) 15 дан 49 ёшгача деб қабул қилинган. | **Фертильность** — это репродуктивная способность женщины, которая отражает способность женщины к деторождению в физиологический период, называемый фертильным возрастом. В демографической статистике фертильный возраст принимается от 15 до 49 лет. |
| **Fertility rate, adolescent** — number of births to woman ages 15-19, expressed per 1.000 women of the same age. | **Фертиллилик даражаси, ўсмирлар орасида** — 15—19 ёшдаги ҳар бир аёлга тўғри келадиган туғишлар сони, шу ёшдаги ҳар 1000 та аёлга тўғри келган туғруқлар миқдорида ифодаланган. | **Коэффициент фертильности, подростки** — количество родов на каждую женщину в возрасте 15-19 лет, выражается в количестве родов на 1000 женщин данного возраста. |
| **Fertility rate, total** — the number of children that would be born to each woman if she were to live to the end of her child-bearing years and bear children at each age in accordance with prevailing age-specific fertility rates in a given year/period, for a given country, territory or geographical area. | **Умумий фертиллик кўрсаткичи** — агарда аёл муайян давлатда, минтақада, жуғрофий жойда ушбу ёш/давр учун хос бўлган фертиллик кўрсаткичига биноан фарзанд кўрадиган бўлса, нечта фарзанд кўриши мумкин бўлган кўрсаткичдир. | **Показатель фертильности, общий** — число детей, которых могла бы родить женщина за весь фертильный период своей жизни, если бы она рожала в каждом возрастном периоде в соответствии с определенным для этого возраста/периода показателем фертильности, в данной стране, регионе, географической местности. |
| **Freedom** — In "Development as Freedom:, Sen identified five such instrumental freedoms: (I) political freedom; (II) economic facilities; (III) social opportunities; (IV) transparency guarantees; (V) protective security. | **Эркинлик** — «Эркинлик тараққиёт сифатида» асарида А.Сен эркинликнинг бешта турини санаб ўтади: (I) сиёсий эркинлик; (II) иктисодий эркинлик; (II) ижтимоий имкониятлар; (IV) ошкоралик кафолатлари; (V) хавфсизлик. | **Свобода** — В труде А. Сена "Свобода как развитие" автор отмечает пять видов свободы: (i) политическая свобода; (ii) экономические инстументы; (iii) социальные возможности; (iv) гарантии прозрачности; (v) безопасность. |
| **Gender** — the set of social, cultural, political, legal and economic characteristics socially allocated as a function of a woman or a man from birth onwards. It is the distinct social significance of being female or male in a given culture. Social and cultural constructs, created on the basis of sexual differences, determine the way that women and men interact so they determine the distribution of power within a society. Because it is a socio-cultural construct, it changes over the course of history and varies from one culture to another. | **Гендер** — жамиятда мавжуд бўлган шарт-шароитлардан келиб чиқиб, аёллар ва эркакларнинг туғилишидан бошлаб жамият томонидан аёл ва эркакларга бериладиган ижтимоий, маданий, сиёсий, хуқуқий ва иқтисодий хусусиятлар мажмуи. Бу мазкур маданиятда одамнинг аёл ёки эркак эканлигининг ижтимоий фарқидир. Жинсий фарқлар асосида яратилган ижтимоий ва маданий концепциялар аёллар ва эркаклар ўртасидаги ўзаро алокаларни ва жамиятдаги ҳокимият тақсимланишини белгилаб беради. Бу концепция ижтимоий-маданий концепция | **Гендер** — совокупность социальных, культурных, политических, правовых и экономических характеристик, выделенных в качестве функций мужчины и женщины от момента рождения согласно сложившимся положениям в обществе. Это различия социальной значимости от того, является ли человек мужчиной или женщиной в данной культуре. Социальные и культурные концепции, созданные на основе разницы между полами, определяют взаимодействие между мужчинами и женщинами и распределение власти в обществе. |

| | | |
|---|---|---|
| | эканлиги боис, тарихий жараёнда ўзгариб бориш хусусиятига эгадир, шунинг учун бу тушунча бир маданиятдан бошқасига қараб фарқланиб боради. | В связи с тем, что это социально-культурная концепция, она имеет тенденцию меняться в историческом контексте и различается от одной культуры к другой. |
| **Gender analysis** — collection and analysis of sex-disaggregated information to reveal different experiences, knowledge, talents and needs of girls and women, boys and men in a society. It is used to ensure that policies, programmes and projects can identify and meet the needs and redress inequities based on gender. Gender analysis aims at contributing to understanding implications of planned interventions and their potential outcomes on women and men. | **Гендер таҳлили** — жамиятда қиз болалар ва аёлларнинг, ўғил болалар ва эркакларнинг турли фаолиятларини, билимларини, истеъдодларини ва эҳтиёжларини намоён этиш учун тўпланган маълумотлар мажмуаси ва таҳлилидир. Ундан жинсий тафовутларга асосланган тенгсизликларни аниқлаш ва бундай тенгсизликларни бартараф этишга имкон берадиган сиёсат, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Гендер таҳлили режалаштирилган чораларнинг натижалари ва уларнинг аёллар ҳамда эркаклар учун оқибатларини тушуниш учун йўналтирилгандир. | **Гендерный анализ** — сбор и анализ информации, дезагрегированной по полу, для выявления различных практик, знаний, талантов и потребностей девочек и женщин, мальчиков и мужчин в обществе. Используется для обеспечения такой политики, программ и проектов, которые смогли бы определить и удовлетворить потребности в искоренении неравенства по половому признаку. Гендерный анализ направлен на оказание содействия в понимании последствий планируемых мероприятий и их потенциальных последствий для женщин и мужчин. |
